



Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши
курашиш агентлиги

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ: 100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ
ТУЗИЛМАЛАРИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ УЧУН
АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2024

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
ИЧКИ НАЗОРАТ:
100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ
ТУЗИЛМАЛАРИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ УЧУН
АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ-2024

Лойиҳа раҳбари: Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори, юридик фанлар доктори (DSc) А.Бурханов.

Муаллифлар: У.Мавлянов, У.Бердиқулов, М.Мадрахимова, Н.Самандарова, Б.Рахмонов, Ш.Сапаров, М.Расулов.

Коррупцияга қарши ички назорат: 100 саволга 100 жавоб. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимлари учун амалий қўлланма.: – Тошкент: “ART LINE GROUP” МЧЖ, 2024. – 96 б.

Ушбу нашр GIZнинг “Ўзбекистонда давлат бошқарувини янада такомиллаштириш - Коррупцияни инклюзив қамровда олдини олиш” лойиҳаси орқали, Германия ҳукумати ҳамда Европа Иттифоқи томонидан биргаликда молиялаштирилди. Унинг мазмуни фақат Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг зиммасида бўлиб, Европа Иттифоқи, Германия ҳукумати ёки GIZнинг нуқтаи назарини ва қарашларини акс эттирмайди.



O'zbekiston Respublikasi
Korrupsiyaga qarshi
kurashish agentligi



Co-funded by
the European Union

Implemented by:



Central Finance and
Contracting Agency
Republic of Latvia



Мазкур қўлланма асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларнинг (кейинги ўринларда - давлат органлари ва ташкилотлари) коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари (кейинги ўринларда - Ички назорат тузилмалари) масъул ходимлари учун мўлжалланган.

Ички назорат тузилмаларининг асосий вазифаси - давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш, коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш ҳисобланади.

Бугунги кунда Ички назорат тузилмалари томонидан ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш жараёнида, амалиётда турли саволлар юзага келмоқда. Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида ташкил этилган коррупцияга қарши ички назорат (“комплаенс-назорат”) тизими нисбатан янги тизим бўлганлиги, ушбу тизимни жорий этишда Ички назорат тузилмалари масъул ходимлари фойдаланиши учун давлат тилида яратилган қўлланмалар етарли бўлмаганлиги сабабли, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) томонидан ушбу қўлланмани тайёрлаш устида иш олиб борилди.

Мазкур қўлланма Ички назорат тузилмаси фаолиятини ташкил этишга оид умумий масалалар, Ички назорат тузилмалари фаолиятини амалга ошириш тартиблари, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашга оид асосий саволларга жавоблар шаклида ёзилди.

Бунда, саволларга жавоблар коррупцияга қарши курашишга оид халқаро стандартлар, республикамізда 2024 йил 1 май ҳолатига амалда бўлган миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган муносабатлар Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этилган намунавий тавсиявий ҳужжатлар асосида тасдиқланган ички ҳужжатлар қоидалари ҳамда Агентлик директорининг махсус кўрсатмалари ва тавсиялари асосида тузилди.

Мазкур қўлланмадан нафақат Ички назорат тузилмалари ходимлари, балки кенг жамоатчилик, хусусан, турли соҳада фаолият юритаётган давлат хизматчилари, ушбу йўналиш бўйича илмий ва амалий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган олимлар ва тадқиқотчилар, шунингдек, соҳага қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланиши мумкин.

САВОЛЛАР РЎЙХАТИ

I БОБ. ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

1. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) жорий этилиши белгиланган?

2. Ўзбекистон Республикасида Ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд?

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.01.2023 йилдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон фармони билан вазирлик ва идоралар фаолиятида коррупцияга қарши курашиш йўналишида нималар белгиланган?

4. Коррупцияга қарши ички назорат (“комплаенс-назорат”) тушунчаси мазмун-моҳияти нимадан иборат, комплаенс-назоратнинг қандай шакл ва турлари мавжуд?

5. Нима учун комплаенс хизмати керак ва жаҳон тажрибасида ушбу вазифаларни кимлар, қандай тартибда амалга оширадилар?

6. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат органлари ва ташкилотлари тизимида Ички назорат тузилмаларини ташкил этиш мажбурийлиги белгиланган?

7. Ички назорат тузилмалари нималарга масъул?

8. Ички назорат тузилмалари фаолиятининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

9. Ички назорат тузилмалари раҳбарлари қандай тартибда лавозимга тайинланади ва озод этилади?

10. Ички назорат тузилмалари ўз фаолиятида кимга бўйсунди ва кимга ҳисобдор ҳисобланади?

11. Ички назорат тузилмалари фаолиятининг натижадорлиги нимага асосан баҳоланади ва назоратни ким амалга оширади?

12. Ички назорат тузилмаларининг штат бирликлари нечтадан иборат бўлиши керак?

13. Ички назорат тузилмалари ходимларига қўйилган малака талаблари нималардан иборат?

14. Ички назорат тузилмалари ходимларини ишга қабул қилишда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишиш шартми?

15. Ички назорат тузилмалари ходимларини лавозимидан озод этиш қандай тартибда амалга оширилади?

16. Ички назорат тузилмалари вазифа ва функциялари ташкилотнинг бошқа тузилмасига юклатилиши мумкинми?

17. Ички назорат тузилмалари вазифа ва функциялари ташкилотнинг юридик хизматига юклатилиши мумкинми?

18. Ички назорат тузилмаларини ташкилотнинг ички аудит хизмати билан бирлаштириш мумкинми?

19. Ички назорат тузилмалари зимасига монополияга қарши, санкцияларга қарши комплаенс вазифалари ва функцияларини юклатиш мумкинми?

20. Ички назорат тузилмалари ва уларнинг ходимларига ташкилотнинг бошқа таркибий тузилмалари вазифа ва функцияларини юклатиш мумкинми?

21. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизмат идораларида Ички назорат тузилмалари фаолияти қандай йўлга қўйилади?

22. Ички назорат тузилмалари фаолияти тўғри йўлга қўйилиши ва самарали фаолият юритиши учун қандай ички ҳужжатларни қабул қилиш зарур?

23. Ички назорат тузилмаларининг асосий вазифа ва функциялари қайси ҳужжатда белгиланган?

24. Ички назорат тузилмалари ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

25. Ички назорат тузилмалари ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

26. Ички назорат тузилмалари ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

27. Ички назорат тузилмалари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

28. Ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари қайси ҳужжатда белгиланган ва улар нималардан иборат?

29. Ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўшимча ҳуқуқларга ҳамда мажбуриятларга эга бўлиши мумкинми?

II БОБ. ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБЛАРИГА ОИД МАСАЛАЛАР

30. Ички назорат тузилмаси раҳбари (ходими) ташкилотнинг меҳнат шартномаларига имзо қўйишга ҳақлими?

31. Ички назорат тузилмаси ходимлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказадими?

32. Ички назорат тузилмаси давлат ташкилотлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга масъул ҳисобланадими?

33. ISO 37001:2016 халқаро стандарти нима?

34. ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар нималардан иборат?

35. ISO 37001:2016 халқаро стандартига мувофиқ сертификатлаш нима ва унинг талаблари нималардан иборат?

36. ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқлик тўғрисидаги сертификат ташкилотларга нима беради?

37. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий йўналишлари, элементлари ҳамда тамойиллари нималардан иборат?

38. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати билан барча ходимлар таништирилиши мажбурийми?

39. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш асослари ва турларини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинган?

40. Коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва коррупцияга оид жиноятлар таснифи қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилган ва улар қайсилар?

41. Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини ўрганишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд? Манфаатлар тўқнашувини ўрганиш ва бартараф этиш учун ким масъул?

42. Ташкилотларда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тартиби қандай?

43. Ташкилотларда манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чоралари нималардан иборат?

44. Ташкилотларда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тартиби қандай?

45. Ташкилотларда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига ким томондан ҳуқуқий баҳо берилади?

46. Ташкилотларда манфаатлар тўқнашуви қандай бошқарилади?

47. Ташкилотлар коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабар бериш имконини берувчи алоқа воситаларини яратиши мажбурийми?

48. Ташкилотларда коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш, шунингдек бошқа зарур чораларни кўришга ким масъул?

49. Ташкилотларда коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби қандай?

50. Ички назорат тузилмалари ташкилотга келиб тушган коррупция ва манфаатлар тўқнашувига оид бўлмаган бошқа мазмундаги мурожаатларни ҳам кўриб чиқиши мумкинми?

51. Ташкилотга келиб тушган коррупцияга оид хабарлар (мурожаатлар)ни кўриб чиқиш муддати қандай?

52. Ташкилотнинг ходимлари коррупцияга қарши курашиш бўйича қандай дастурлар асосида ўқитилади?

53. Қайси ташкилотлар 2022 йил 1 январдан бошлаб “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этишга масъул?

54. Ташкилот ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш учун қайси ташкилотга мурожаат қилиш керак?

55. Қайси ташкилот давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқув курсларида мунтазам ўқитилиши юзасидан мониторинг ва амалий ёрдам кўрсатишни олиб боради?

56. Ташкилот ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш учун ташкилотнинг қайси тузилмаси масъул ва ушбу йўналишда ташкил этиладиган ўқитиш ишларини ким мувофиқлаштиради?

57. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни коррупцияга қарши текширишга қайси тузилма масъул?

58. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодлардан қандай ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин?

59. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш қачон ва неча кун муддатда амалга оширилади?

60. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?

61. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодлар тўғрисида ўтказилган текширув натижасида тўпланган маълумотлар ва ҳужжатлар қанча муддатда ва қайси тузилмада сақланади?

62. Ички назорат тузилмалари томонидан ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни кимга тақдим этади ва тақдим этиш муддатлари қандай?

63. Ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантириш тартиби қандай?

64. Хизмат текширувлари қандай маълумотларга асосан ўтказилади?

65. Кимлар хизмат текширувларини ўтказиш ташаббускорлари бўла олади?

66. Хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қандай маълумотлар кўрсатилиши керак?

67. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркибига кимлар киритилиши мумкин, кимлар эса киритилиши мумкин эмас?

68. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ ҳуқуқбузарликка оид қандай маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга ошириши лозим?

69. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

70. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларнинг қандай ҳуқуқлари мавжуд?

71. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш қандай тартибда амалга оширилади?

72. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қандай тартибда амалга оширилади?

73. Харид қилиш тартиб-таомилларининг қайси турлари бўйича контрагентлар текширилиши лозим?

74. Қандай контрагентларга нисбатан текширув ишлари амалга оширилмаслиги мумкин?

75. Контрагентларга нисбатан текширувлар қандай муддатларда амалга оширилиши лозим?

76. Контрагентларни текшириш учун ҳужжатларни тўплаш ва тақдим қилиш учун қайси тузилма масъул ҳамда текшириш учун ижроцига қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?

77. Контрагентларни текшириш доирасида ижроци қандай маълумотларни таҳлил қилиши лозим? Ижроци томонидан контрагентларни текшириш қандай йўналишларда амалга оширилиши лозим?

78. Контрагентнинг ҳуқуқий лаёқатини, молиявий барқарорлигини, ишончилигини ва алоқалар тарихини текшириш доирасида ижроци қайси турдаги маълумотларни аниқлаши лозим бўлади?

79. Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў (нуфузи)ни текшириш доирасида ижроци қандай маълумотларни аниқлаши лозим бўлади?

80. Ижроци томонидан ўтказилган текширув натижалари қандай тартибда расмийлаштирилиши лозим?

81. Текширувлар давомида реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви белгилари аниқланган ҳолатда ижроци томонидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим?

82. Контрагентларни текшириш якунлари бўйича тўпланган ҳужжатларни сақлаш қандай тартибда амалга оширилади?

83. Ташкилот ходимлари томонидан совғалар қабул қилиш масаласи қайси ҳужжат билан тартибга солинади ва ташкилотнинг қайси таркибий тузилмалари масъул?

III БОБ. ТАШКИЛОТЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИГА ОИД МАСАЛАЛАР

84. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида амалга оширилади? Рейтинг баҳолаш қандай йўналишлар ва мезонлар ҳамда индикатор кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади?

85. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни амалга ошириш тартиби қандай?

86. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари ҳолислигини ким текширади?

87. Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи Экспертлар гуруҳи таркиби қандай шакллантирилади?

88. Давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолашнинг якуний натижалари нимага асосланади?

89. Давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари бўйича эътирозлар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби қандай амалга оширилади?

90. Маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиш жараёнида нотўғри ёки сохта маълумотлар киритилганлиги аниқланган тақдирда қандай чора кўрилади?

91. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижасида “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” деб баҳоланган давлат ташкилотлари бўйича қандай чоралар амалга оширилади?

92. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашда қандай маълумотларни киритиш тақиқланади?

93. Давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумот Агентлик томонидан қачон ва қайси ташкилотга киритилади?

IV БОБ. ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР

94. Ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг ҳуқуқий асослари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган?

95. Коррупция хавф-хатарларига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхати қандай шакллантирилади?

96. Ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қачон ва ким томонидан амалга оширилади?

97. Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси нима?

98. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда қандай маълумотлардан фойдаланилади?

99. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри қандай шакллантирилади?

100. Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида баҳолашдан ўтказишга ким жавобгар ҳисобланади?

I БОБ. ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

1. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) жорий этилиши белгиланган?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони 2-бандида Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири сифатида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”)ни жорий этиш белгиланган.

2. Ўзбекистон Республикасида Ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд?

Ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-5177-сон қарори, 25.01.2023 йилдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низом (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.01.2023 йилдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон фармони билан вазирлик ва идоралар фаолиятида коррупцияга қарши курашиш йўналишида нималар белгиланган?

Вазирлик ва идораларда ҳамда улар таркибига кирадиган ташкилотлар кемисида коррупция авж олган соҳаларда унинг ривожланиш сабаблари ва шартларини ўрганиш асосида ушбу соҳаларнинг ҳар бирига “ташхис қўйиш” ҳамда коррупция омилларини бартараф этиш.

4. Коррупцияга қарши ички назорат (“комплаенс-назорат”) тушунчаси мазмун-моҳияти нимадан иборат, комплаенс-назоратнинг қандай шакл ва турлари мавжуд?

Комплаенс, комплаенс-назорат (инглизча compliance — мувофиқлик; to comply — риоя қилиш феълидан келиб чиққан) — сўзма-сўз таржима қилинганда (Оксфорд инглизча луғатиға қаранг) мувофиқлик — қоида ва кўрсатмаларға мувофиқ фаолият юритиш. "Комплаенс" – бу ички ёки ташқи талаблар ва меъёрларға риоя қилишдир.

Коррупцияға қарши ички назорат (комплаенс-назорат) - бу корпоратив маданият элементларини, махсус ташкилий тузилмани, норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган тартиб-қоидаларни жорий этишни, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ва ташкилот обрў-эътибори (нуфузи)ға путур етишини олдини олишға қаратилган, халқаро миқёсда тан олинган ички мувофиқлик тизими ҳисобланади.

Коррупцияға қарши ички назорат (комплаенс-назорат) - давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субектлари фаолиятининг коррупцияға қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларға, миллий қонунчилик нормаларига (қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, жумладан, коррупция хавф-хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, қонун бузилиши ва коррупцияға оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш механизмлари каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали тизимдир.

Комплаенс назорат шакллари – халқаро тажрибаға мувофиқ, комплаенс (мувофиқлик) 2 турға ажратилади: норматив, яъни тартибға солувчи ва корпоратив.

Норматив (тартибға солувчи) комплаенс - бу давлат органлари, ташкилотлари, корхоналар, компаниялар ва банклар ўзларининг фаолиятида халқаро миқёсда тан олинган ҳужжатларға (стандарт ва бошқалар), миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига (қонунлар ва қонуности ҳужжатлари) амал қилишидир. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат томонидан ҳуқуқий жиҳатдан тартибға солинади ва улардаги талаблар соҳалар (саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва бошқалар) ва бизнес фаолияти турларига қараб фарқ қилиши мумкин. Аммо норматив-ҳуқуқий ҳужжатларға риоя қилиш барча ташкилотлар олдидаги асосий вазифадир.

Корпоратив комплаенс - ташкилотнинг ички сиёсати ва тартиб-қоидаларига риоя қилишни ўз ичига олади. Корпоратив - бу ташкилот томонидан белгиланган ташқи ва ички тартиб-қоидаларға мувофиқ равишда фаолият юритишидир. Корпоратив мувофиқликнинг 2 та асосий даражаси мавжуд: ташқи — ташкилот учун мажбурий бўлган "ташқи фаолият" қоидаларига риоя қилиши, ички — ташқи мувофиқлик талабларини бажариш учун муҳим бўлган ташкилотнинг ички қоидаларига риоя қилиш ва уларни назорат қилиш.

Шунингдек, коррупцияға қарши комплаенс, кадрлар соҳасидаги комплаенс, монополияға қарши комплаенс, санкцияларға қарши комплаенс ва бошқа турлари мавжуд.

5. Нима учун комплаенс хизмати керак ва жаҳон тажрибасида ушбу вазифаларни кимлар, қандай тартибда амалга оширадилар?

Коррупцияга қарши сиёсат фуқаролик жамияти билан ҳамкорликка, шу жумладан ҳалол бизнесга асосланган превентив механизмларга таянади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва жамият бошқарувида коррупциянинг олдини олиш, ҳалол бизнес муҳитини яратиш фуқаролар фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир ва давлат ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, халқаро ташкилотларнинг бир қатор тавсиялари ҳам бунини тасдиқлайди.

Комплаенс хизмати – ташкилот, компаниянинг таркибий бўлинмаси бўлиб, у бутун ташкилот фаолияти, унинг бизнес жараёнлари, ходимларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларининг қонунлар ва қонуности ҳужжатларида белгиланган норматив қоидалар ва этика стандартларига мувофиқлигини назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга оширади.

Ҳозирги кунда хорижий давлатларда **давлат сектори, хусусий сектор ва нодавлат секторларда** коррупциявий ва бошқа ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартлари, хусусан ҳалоллик, комплаенс (мувофиқлик) тизими жорий этилган бўлиб, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун масъул бўлган ходим ёки бўлинма (тузилма)лар фаолият юритади. АҚШ ва Европа давлатларида мувофиқлик бўйича ходим (compliance officer, compliance manager), МДХ мамлакатлари, хусусан Россия Федерацияси, Қозғистон Республикаси ва бошқа давлатларда коррупцияга қарши ички назорат, комплаенс назорат тузилмалари фаолият юритади.

Комплаенс офицер — хорижий давлатлар тажрибасида компанияларнинг кўп функцияли ҳимоячиси ҳисобланган лавозими бўлиб, у коррупцияга қарши курашиш сиёсати тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ талаблари ва бошқа қонунбузилиши ҳолатлари хавф-хатарларини ва бундай хавф-хатарларнинг ташкилот, компания молиявий ва операцион фаолиятига таъсирини камайтириш билан шуғулланади.

Аксарият мамлакатларда жиноий йўллар билан орттирилган даромадларни легаллаштиришга қарши қонунчилик жорий этилиши билан банклар ёки лицензияга эга агентларда махсус расмий мувофиқлик бўйича ходим (CO, compliance officer) бўлиши кераклиги тўғрисидаги қонунчилик талаблари мавжуд. Халқаро стандартлар талаблари асосида аксарият банкларда мувофиқлик бўлимлари мавжуд ва комплаенс ходимининг (бунда банк ходимлари умумий таркибининг 20%ни ташкил этадиган катта бўлим бўлиши ҳам мумкин) мажбуриятлари жуда кенг қамровли: миқдорларни текширишдан ҳужжатлар ва хавф-хатарларни баҳолашнинг турли воситаларини ишлаб чиқиш ва бошқа вазифалар кирadi.

6. Қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат органлари ва ташкилотлари тизимида Ички назорат тузилмаларини ташкил этиш мажбурийлиги белгиланган?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори, 25.01.2023 йилдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низом (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319).

7. Ички назорат тузилмалари нималарга масъул?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, **Ички назорат тузилмалари** коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун **масъул ҳисобланади.**

8. Ички назорат тузилмалари фаолиятининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 10-бандига мувофиқ, **Ички назорат тузилмалари фаолиятининг асосий мақсади** - ташкилотда, шунингдек, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ташкилот тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

Мазкур Намунавий низомнинг 11-бандига мувофиқ, **Ички назорат тузилмаларининг асосий вазифалари** - ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш, ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш ҳисобланади.

9. Ички назорат тузилмалари раҳбарлари қандай тартибда лавозимга тайинланади ва озод этилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ, **Ички назорат тузилмалари раҳбарлари** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади, уларни лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 6-бандига мувофиқ, ташкилот томонидан Агентликка ташкилот раҳбарининг Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади.

Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади. Тақдимномага ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари ва мотивларини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади.

Мазкур Намунавий низомнинг 7-бандига мувофиқ, Агентлик томонидан Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари “етарли эмас” деб ҳисобланса, шу жумладан Назорат тузилмаси раҳбари таъқиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада Назорат тузилмасининг раҳбари билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

10. Ички назорат тузилмалари ўз фаолиятида кимга бўйсунди ва кимга ҳисобдор ҳисобланади?

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 4-бандига мувофиқ, **Ички назорат тузилмалари ўз фаолиятида** бевосита ташкилотнинг биринчи раҳбарига (кузатув кенгашига) бўйсунди.

Ички назорат тузилмалари давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Намунавий низомга мувофиқ, ҳар чораклик ва ҳар йиллик ҳисоботни Ташкилот раҳбарига (Ташкилот ҳайъатига) топширади. Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳар чораклик Ташкилотнинг умумий ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 21 санасигача Ташкилот раҳбарига, шунингдек, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига кўриб чиқиши учун киритиб боради.

11. Ички назорат тузилмалари фаолиятининг натижадорлиги нимага асосан баҳоланади ва назоратни ким амалга оширади?

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 17-бандига мувофиқ, **Ички назорат тузилмалари фаолиятининг натижадорлиги** ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади. Назорат тузилмалари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари ташкилотнинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланади. Назорат тузилмаси фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

12. Ички назорат тузилмаларининг штат бирликлари нечтадан иборат бўлиши керак?

Ички назорат тузилмалари штат бирликларининг миқдори амалдаги қонунчилик нормаларида қатъий белгиланмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.01.2023 йилдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон фармони 3-илоvasи “Изоҳлар” қисми “б” ва “в” бандларида қўйидагича белгиланган:

б) марказий аппаратлар ва ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) бўлинмалари тузилмалари тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланади ҳамда **ҳодимларнинг белгиланган умумий сони ва ажратилган бюджет маблағлари доирасида мустақил ўзгартирилиши мумкин;**

в) марказий аппаратларда **коррупцияга қарши курашиш таркибий бўлинмалари (лавозимлари)** ташкил этилиши мажбурий ҳисобланади. Бунда, коррупцияга қарши курашиш таркибий бўлинмалари (лавозимлари) фақатгина вазирлик ва бошқа мустақил идораларда ташкил қилиниб, ушбу йўналишларда улар ягона сиёсатни амалга оширади. Тизим ташкилотлари қўп бўлган вазирликлар ҳузуридаги қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда алоҳида бўлинмалар (лавозимлар) ташкил қилиниши мумкин.

13. Ички назорат тузилмалари ҳодимларига қўйилган малака талаблари нималардан иборат?

Ички назорат тузилмалари ходимларининг малака талаблари, хусусан мутахассислиги, иш тажрибаси ва стажи бўйича амалдаги қонунчилик нормаларида алоҳида талаблар белгиланмаган. Ташкилотнинг вазибалари ва асосий фаолият йўналишлари, хусусан, давлат ёки хўжалик бошқаруви органи хусусиятидан (вазирлик, ҳокимлик, акциядорлик жамияти ёки акциядорлик тижорат банклари ва ҳақозо) келиб чиқиб, юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солиқ, аудит ва бошқа соҳалар бўйича олий маълумотга, шунингдек Ички назорат тузилмасига юклатиладиган вазифа ва функциялар ҳамда ташкилотдаги коррупциявий хавф-хатарлардан келиб чиқиб, соҳага оид муайян тажрибага ва камида 3 йиллик стажга эга бўлган номзодлардан саралаб олиш тавсия этилади.

14. Ички назорат тузилмалари ходимларини ишга қабул қилишда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишиш шартми?

Ҳа. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши, мазкур қарорнинг 4-бандига мувофиқ, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилиниши, уларни лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилиши белгиланган.

15. Ички назорат тузилмалари ходимларини лавозимидан озод этиш қандай тартибда амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарорининг 4-бандига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 6-бандига мувофиқ, **Ички назорат тузилмалари раҳбарларини лавозимидан озод этиш масаласи** Агентлик билан келишилади. Бунда, ташкилот томонидан Агентликка ташкилот раҳбарининг Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади. Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади. Тақдимномага ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари ва мотивларини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади.

Намунавий низомнинг 7-бандига мувофиқ, Агентлик томонидан Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари “етарли эмас” деб ҳисобланса, шу жумладан Назорат тузилмаси раҳбари таъқиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада Назорат тузилмасининг раҳбари билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

Намунавий низомнинг 8-бандига мувофиқ, қуйидагилар Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади: назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш учун сабаблар “етарли эмас” деб топилганда; назорат тузилмаси раҳбарининг зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятлар доирасидан ташқари вазифаларни бажармаганлиги ёки ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажарганлиги учун таъқиб қилинганлиги ҳолати аниқланганда.

Намунавий низомнинг 9-бандига мувофиқ, тақдим этилган ҳужжатлар Агентлик томонидан уч иш куни ичида қўриб чиқилиб, тегишли ташкилотга Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этишни келишиш ёки келишишининг рад этилганлиги сабаблари кўрсатилган хат тақдим этилади.

16. Ички назорат тузилмалари вазифа ва функциялари ташкилотнинг бошқа тузилмасига юклатилиши мумкинми?

Ички назорат тузилмалари вазифа ва функцияларини ташкилотнинг бошқа тузилмасига юклатилиши мумкинлиги ёки тақиқланиши бўйича амалдаги қонунчилик нормаларида қатъий қоида белгиланмаган. Ички назорат тузилмасининг лавозим вазифалари ва функцияларининг мураккаблиги, масъулият ва юкламалар ҳажмининг юқорилигидан келиб чиқиб, ушбу тузилма вазифалари ва функцияларини бошқа тузилмага юкламаслик тавсия этилади.

17. Ички назорат тузилмалари вазифа ва функциялари ташкилотнинг юридик хизматига юклатилиши мумкинми?

Йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.01.2017 йилдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сон қарори 2-банди, ушбу қарор 1-иловасининг (Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида Низом) 17-бандига мувофиқ, юридик хизмат ва унинг ходимларига ушбу Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

18. Ички назорат тузилмаларини ташкилотнинг ички аудит хизмати билан бирлаштириш мумкинми?

Йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2022 йилдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 416-сон қарорига илованинг (Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий Низом) 8-бандига мувофиқ, ички аудит хизмати вазирлик ва идоралар марказий аппаратида мустақил таркибий тузилма сифатида ташкил этилади. Бунда ички

аудит хизматини ташкил этмасдан ички аудит фаолиятини бошқа таркибий тузилмаларга юклашга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолат коррупцияга қарши халқаро стандартлар талабларига ҳам зид ҳисобланади. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаси ички аудит хизмати, ички аудит хизмати ўз навбатида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти устидан текширув ва назорат функцияларини, хусусан ушбу тузилмалар ўртасида ўзаро бир-бирини тийиб туриш функцияларини амалга оширишга тўсқинлик қилади ва манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқишига олиб келади.

19. Ички назорат тузилмалари зимасига монополияга қарши, санкцияларга қарши комплаенс вазифалари ва функцияларини юклатиш мумкинми?

Йўқ. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 13-бандига мувофиқ, Ички назорат тузилмаларига ва уларнинг ходимларига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

20. Ички назорат тузилмалари ва уларнинг ходимларига ташкилотнинг бошқа таркибий тузилмалари вазифа ва функцияларини юклатиш мумкинми?

Йўқ. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 13-бандига мувофиқ, Ички назорат тузилмаларига ва уларнинг ходимларига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

21. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизмат идоралари, шунингдек, суд тизимида Ички назорат тузилмалари фаолияти қандай йўлга қўйилади?

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизмат идоралари, шунингдек, суд тизимида Ички назорат тузилмалари мазкур органлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ички ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизмат идораларида Ички назорат тузилмалари вазифалари ва функцияларини **Ўз шахсий хавфсизлик бўлинмалари**, суд тизимида Судьялар олий кенгашининг Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси бажаради.

22. Ички назорат тузилмалари фаолияти тўғри йўлга қўйилиши ва самарали фаолият юритиши учун қандай ички ҳужжатларни қабул қилиш зарур?

Ички назорат тузилмалари фаолияти тўғри йўлга қўйилиши ва самарали фаолият юритиши учун ISO 37001:2016 Коррупцияга қарши менежмент тизими халқаро стандарти талаблари асосида қуйидаги фундаментал ҳужжатларни қабул қилиш зарур:

1. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати;

2. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти;

3. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом;

4. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қўриб чиқиш Регламенти;

5. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома;

6. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома;

7. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома;

8. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти;

9. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом;

10. Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси Низоми, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси раҳбари (бош, етакчи мутахассиси ёки мутахассиси (ёки инспектори)нинг лавозим Йўриқномаси, Одоб-ахлоқ қоидалари, Одоб-ахлоқ комиссияси, Танлов (тендер) ўтказиш бўйича харид комиссияси таркиби, шунингдек, Давлат харидларини амалга ошириш доирасида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини текшириш жараёни бўйича йўриқнома, Хайрия ва хомийлик тартиби ва бошқа ички ҳужжатлар қабул қилиниши керак.

23. Ички назорат тузилмаларининг асосий вазифа ва функциялари қайси ҳужжатда белгиланган?

Ички назорат тузилмалари ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш соҳасида амалга ошириши лозим бўлган функциялар Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши

курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 12-бандида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ қуйидаги 4 та асосий вазифа ва 33 та функцияни амалга оширади:

а) ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш вазифаси (5 та функция);

б) ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш вазифаси (11 та функция);

в) ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш вазифаси (13 та функция);

г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш вазифаси (4 та функция).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3425] 7-бандига мувофиқ, **совғалар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш** давлат органининг **коррупцияга қарши курашиш бўлини маси (ҳодими)** томонидан амалга оширилади.

24. Ички назорат тузилмалари ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

Ички назорат тузилмалари ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 12-банди “а” кичик бандида белгиланган қуйидаги функцияларни амалга ошириши лозим:

ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун ташкилот раҳбарига киритади;

ташкилотнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ташкилот томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини ташкилот тизимида коррупцияга қарши

курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи-назаридан баҳолайди ва хулосалар беради;

ташкилотда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Агентликка киритиб боради.

25. Ички назорат тузилмалари ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

Ички назорат тузилмалари ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 12-банди “б” кичик бандида белгиланган қуйидаги функцияларни амалга ошириши лозим:

ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чоратадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва ташкилотда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

ташкилот томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқа органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

махсус ахборот алоқа каналлари орқали ташкилот ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилади ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

ташкилотда юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қилади;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва ташкилот билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

ташкилот ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган махсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қилади ва таҳлилий материалларни ташкилот ходимларига етказди;

ташкилот фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказди;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ташкилотда коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади;

хар чоракда ва ташкилот раҳбари талабига кўра, ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида ташкилот биринчи раҳбарига маълумот киритиб боради.

26. Ички назорат тузилмалари ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

Ички назорат тузилмалари ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 12-банди “в” кичик бандида белгиланган қуйидаги функцияларни амалга ошириши лозим:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида ташкилотга юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қилади ва назоратини амалга оширади;

ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO 37001:2016 Коррупцияга қарши менежмент тизими халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

ташкилот ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишда иштирок этади;

ташкилот ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ ташкилотнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қилади;

ташкилот тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

ташкилотнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

ташкилот тизимидаги ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва ташкилотнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилади;

ташкилот тизимидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади; одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ҳолислиги ва мақбуллигини текширади;

амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

ташкилот тизимидаги коррупцияга қарши курашишга масъул тузилма (шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ташкилот фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказди.

27. Ички назорат тузилмалари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?

Ички назорат тузилмалари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319) 12-банди “г” кичик бандида белгиланган қуйидаги функцияларни амалга ошириши лозим:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

қонунчилик ҳужжатлари билан ташкилот зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш юзасидан хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилади.

Нazorat тузилмаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

28. Ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари қайси ҳужжатда белгиланган ва улар нималардан иборат?

Ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319)14-бандида белгиланган ва улар қуйидагилардан иборат:

ўзи фаолият юритаётган ташкилот ходимларидан уларнинг ваколатига қиравчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, ҳулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида ташкилот ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

ташкилот тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

ташкилот раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида ташкилот тизимида ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

ташкилотнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Нazorat тузилмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319)15-бандида белгиланган ва улар қуйидагилардан иборат:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

ташкилот тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган, Агентлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисми бузилганлиги факти юзасидан ташкилот раҳбариятига маълумотномалар киритиш;

ҳар чорақда, кейинги чорақ биринчи ойининг биринчи ўн кунлигида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чорақлик ҳисоботни Агентликка тақдим этиш.

Назорат тузилмалари ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўшимча ҳуқуқларга ҳамда мажбуриятларга эга бўлиши мумкинми?

Ички назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319)14-бандига мувофиқ, **қўшимча ҳуқуқларга**, мазкур Намунавий низомнинг15-бандига мувофиқ, **қўшимча мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.**

II БОБ. ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБЛАРИГА ОИД МАСАЛАЛАР

30. Ички назорат тузилмаси раҳбари (ходими) ташкилотнинг меҳнат шартномаларига имзо қўйишга ҳақлими?

Йўқ. Ички назорат тузилмаси раҳбари (ходими) ташкилотнинг меҳнат шартномаларига имзо қўйишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 106-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада ёзма шаклда тузилиб, уларнинг ҳар бири тарафлар томонидан имзоланади. Меҳнат шартномасининг ҳар бир нусхаси ходимнинг ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланади.

31. Ички назорат тузилмаси ходимлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказадими?

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни (08.08.2023 йилдаги ЎРҚ-860-сон) 5-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқувчилари бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари; тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва ташкилотлари. Мазкур Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказишга ҳақли.

Ички назорат тузилмаси ходимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида вазифа ёки мажбурият белгиланмаган. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисида”ги намунавий низомнинг (08.09.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3319)12-банди, “а” кичик бандига мувофиқ, Ички назорат тузилмалари ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ, ташкилотнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

32. Ички назорат тузилмаси давлат ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга масъул ҳисобланадими?

Йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон фармони 8-бандига мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларининг **ахборот хизматлари ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаларига** мазкур органларда очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2022 йилдаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон фармонида **“масъул ходимлар — очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилган давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлинмалари ходимлари”** деб кўрсатилган.

33. ISO 37001:2016 халқаро стандарти нима?

ISO 37001:2016 халқаро стандарти ISO халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Organization for Standardization) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Коррупцияга қарши бошқарув тизимини (ABMS, Anti-bribery management systems) ташкил этиш, жорий этиш, бошқариш, қўллаб-қувватлаш ва доимий равишда такомиллаштиришга қаратилган талабларни белгилайди. Шунингдек, ташкилот ушбу стандарт талабларига риоя қилиш учун қандай ҳаракатлар ва ёндашувларни амалга ошириш тўғрисида кўрсатмалар беради.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти – бу ташкилотда коррупцияга қарши курашиш самарали тизимини яратишнинг халқаро усуллари ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукамал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир. Стандарт 44 та мамлакатдан жалб қилинган 80 нафар мутахассисдан махсус шакллантирилган ISO/PC 278 “Anti-bribery management systems” ишчи қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган.

“Ўзстандарт” агентлиги (ҳозирда Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги)нинг 2019 йил 26 июлдаги 05-1052-сонли қарорига мувофиқ, халқаро талабларга мос O’zDSt ISO 37001:2019 (ISO 37001:2016, IDT) “Пора олиш-бериш билан курашиш менежменти тизимлари. Фойдаланиш бўйича талаблар ва қўлланма” стандарти Давлат реестрига киритилган.

34. ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар нималардан иборат?

ISO 37001:2016 халқаро стандарти ташкилот фаолиятида коррупция билан боғлиқ юзага келадиган қуйидаги ҳолатларга нисбатан амал қилади:

- a) давлат, хусусий ва нотижорат секторларда пора олиш;
- b) ташкилотлар томонидан пора олиш;
- c) ташкилот номидан ёки унинг фойдасига ишлайдиган ходимлар томонидан пора олиш;
- d) ташкилот номидан ёки унинг фойдасига иш олиб борадиган ҳамкорлари томонидан пора олиш;
- e) ташкилотга пора бериш;
- f) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилот ходимларига пора бериш;
- g) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамкорларига пора бериш;
- h) тўғридан-тўғри ёки кимдир орқали (масалан, учинчи шахс томонидан тақдим этилган ёки қабул қилинган пора) пора бериш каби ҳолатлар.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти ҳар қандай юрисдикцияда ва ҳар қандай сектор ҳамда тармоқда (давлат, хусусий ёки нотижорат ташкилот ва ҳоказо) коррупцияга қарши бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган.

Ушбу стандартда пора олиш-бериш билан курашиш бошқаруви тизимларини яратиш, жорий этиш, юритиш, таҳлил қилиш ва яхшилаш бўйича талаблар ўрнатилади ва раҳбарий кўрсатмалар берилади. Стандарт ташкилот учун ёрдам тариқасида пора олиш-беришнинг олдини олиш, аниқлаш ва жавоб беришига нисбатан ишлаб чиқилган менежмент тизимига талабларни белгилайди ҳамда пора олиш-бериш билан курашиш қонунларига ва ихтиёрий мажбуриятларга мос келиб, унинг фаолиятига нисбатан қўлланилади.

Ташкилот пора олиш-беришнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга қарши курашишда ёрдам берадиган, оқилона ва мутаносиб **чора-тадбирлар ва назоратни** амалга ошириши керак, шу жумладан: Пора олиш-бериш билан курашиш сиёсати; Бошқарув органи, мажбурият ва масъулият; Ходимларни назорат қилиш ва ўқитиш; Хавф-хатарларни баҳолаш; Лойиҳалар ва бизнес ҳамкорларни комплекс текшириш; Молиявий, тижорий ва шартномавий назорат; Ҳисобот, мониторинг, суриштириш ва умумий таҳлил; Тўғриловчи ҳаракатлар ва доимий яхшилаш.

35. ISO 37001:2016 халқаро стандартига мувофиқ сертификатлаш нима ва унинг талаблари нималардан иборат?

ISO 37001:2016 халқаро стандарти бўйича сертификат олиш учун коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш,

шунингдек, жорий қилинган тизимнинг стандарт талабларига мувофиқлигини мустақил ташқи аудитдан ўтказиш орқали тасдиқлаш керак.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти ташкилотдан бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Хусусан: коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш; коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун масъулларни тайинлаш; ходимларни ўқитиш; коррупция хавф-хатарларини баҳолашни ўтказиш; молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисоботлар юритиш ва бошқалар. Стандартга мувофиқ, коррупцияга қарши сиёсат самарадорлиги учун ваколатли ва жавобгарлик белгиланган коррупцияга қарши курашиш хизматини жорий этиш зарур. Коррупцияга қарши курашиш хизмати етарли ресурсларга эга бўлиши, тайинланган шахслар эса тегишли малака, мақом, ваколатларга ва мустақилликка эга бўлиши керак. Хизмат, зарурат бўлган тақдирда, коррупцияга оид ёки коррупцияга қарши бошқарув тизими билан боғлиқ ҳар қандай савол ёки муаммони энг юқори даражада кўриб чиқиш учун юқори турувчи раҳбариятга тўғридан-тўғри ва тезкор кириш имкониятига эга бўлиши керак.

Хавф-хатарлар даражаси паст даражадан юқори бўлган барча лавозимларга, шунингдек коррупцияга қарши курашиш хизматининг мутахассисларига нисбатан ташкилот куйидагиларни ўз ичига оладиган тартиб-таомилларни жорий этиши керак: ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки юқори лавозимга кўтаришдан олдин ҳар бир номзодни комплекс текширувдан ўтказиш, уларни ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказишнинг асослилигини текшириш, уларнинг коррупцияга қарши сиёсат ва бошқарув тизими талабларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш; меҳнатга ҳақ тўлашнинг барча турдаги рағбатлантирувчи элементларини қўллашда коррупциянинг олдини олиш учун етарли ҳимоя чоралари кўрилганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида даврий таҳлил қилиб бориш; ходимлар, юқори раҳбарият ва бошқарув органи ўзларининг коррупцияга қарши сиёсатига мувофиқлигини тасдиқлаш учун белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни тўлдириб бориш тизими бўлиши лозим.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш тизими тўғрисида ходимларни хабардор қилиш ва ўқитишни таъминлаши керак. Бундай ўқитиш тизими ташкилотнинг коррупцияга қарши сиёсати, коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва бошқарув тизими, шунингдек ходимнинг уларга мувофиқ бўлиш мажбурияти; коррупция хавфлари ва улардан ходим ва ташкилот учун зарарларни, хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган коррупция ҳолатлари ва уларни аниқлаш усулари; пора таклиф қилишга уринишларни аниқлаш ва унга муносабат; коррупция тўғрисида огоҳлантириш тартиби, коррупция тўғрисида хабар берганларни рағбатлантириш, шунингдек, ташкилотда пора сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳолатларда совғалар, миннатдорчилик рамзлари, хайр-эҳсон ва шунга ўхшаш рағбатлантириш турларини таклиф қилиш, бериш ёки қабул қилишнинг олдини олиш учун ишлаб чиқилган тартиб-таомиллар жорий қилиниши лозим.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқлик тўғрисидаги сертификат ҳар қандай ташкилотга мос келади. Сертификат олиш учун ташкилот маълум стандартларга жавоб беришини исботлаши лозим. Ушбу стандартларга қуйидагилар киради: коррупцияга қарши ички назоратни амалга ошириш; топ-менежментнинг коррупцияга қарши бошқарув тизимини жорий қилиш ва таъминлашдаги ролини ошириш; ташкилотдаги ҳар бир ходим тизимни тушунишини ва коррупциянинг олдини олиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаш чораларининг мавжудлиги; томонларнинг хавф-хатарларни муносиб баҳолаш тизимининг мавжудлиги; коррупция билан боғлиқ қоидабузарликларга нисбатан тегишли чораларнинг мавжудлиги; коррупция билан боғлиқ муаммоларни олиб чиқишнинг самарали механизмлари мавжудлиги.

36. ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқлик тўғрисидаги сертификат ташкилотларга нима беради?

Стандартни татбиқ этадиган ташкилотлар учун қуйидаги афзалликлар мавжуд: ушбу стандарт бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш коррупциявий хавф-хатарлар хавфини камайтиради; ошкораликни қўллаб-қувватлаш ва манфаатдор томонларнинг (директорлар кенгаши, ходимлар, контрагентлар ва бошқалар) коррупцияга нисбатан позицияси тўғрисида хабардор бўлиш учун восита бўлиб хизмат қилади; манфаатдор томонларни ташкилотда коррупциянинг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрилатганига ишонтиради. Шунингдек, ташкилотни, унинг активларини, акциядорлари ва директорларини коррупция ва коррупциянинг салбий таъсиридан ҳимоя қилади. Стандарт ташкилотларга қонунчилик талабларига мувофиқ фаолият юритаётганлигини билдиради.

37. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати асосий йўналишлари, элементлари ҳамда тамойиллари нималардан иборат?

Давлат органлари ва ташкилотларининг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати (Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларига 2021 йил октябрь ойида тақдим этилган тавсиявий ички ҳужжат намунаси) асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжатга асосан,

Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асосий йўналишлари: манфаатлар тўқнашувини бошқариш, иш (хизмат) юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш, ташкилот ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш, кадрлар билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш (ходимларни ишга танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш), текширувлар ўтказиш ва давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ўрганиш, ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш, ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси, ташкилот фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш, ташкилотдаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва онлайн трансляция қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари: коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички ҳужжатларнинг мавжудлиги, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тизими, коррупцияга қарши курашиш учун масъул белгиланганлиги, ташкилотнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш, мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик, жавобгарлик, коррупциявий ҳаракатларга доир хабарларни қабул қилиш ва қайтар алоқа тизимининг мавжудлиги, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби ва ҳ.к.

Коррупцияга қарши курашиш тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади: қонунийлик, коррупцияга нисбатан мурасасизлик (тоқатсизлик), очиқлик ва шаффофлик, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш, фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик, мониторинг, таҳлил ва баҳолаш, коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш.

38. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати билан барча ходимлар таништирилиши мажбурийми?

Ҳа. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати тавсиявий ички ҳужжат намунаси асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжат қоидаларига кўра, Ташкилотга ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишишлари, унинг қонун-қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорида белгиланган 5 та йўналишнинг 4-йўналиши “Ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги”, унинг 4.1.1.-индикатори “Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар билан танишганлик ҳолати ҳамда коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши”, деб номланади.

39. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш асослари ва турларини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинган?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сон қарори. Мазкур қарор иловаси билан Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланган.

40. Коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва коррупцияга оид жиноятлар таснифи қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилган ва улар қайсилар?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-бандига мувофиқ,

коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар — Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61¹, 193¹ ва 193²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар;

коррупцияга оид жиноятлар — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми “г” банди, 168-моддасининг учинчи қисми “в” банди, 192⁹ ва 192¹⁰, 205, 209 — 214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар.

41. Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини ўрганишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд? Манфаатлар тўқнашувини ўрганиш ва бартараф этиш учун ким масъул?

Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини ўрганишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарори (31.08.2022 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3383) билан тасдиқланган Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услугиётининг 14-бандига мувофиқ, **махсус бўлинма** (давлат ташкилотидаги коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси) ёки **ишчи гуруҳ** (коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари мавжуд бўлмаган давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун тузиладиган ходимлар таркиби) давлат ташкилотининг фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини таҳлил қилиши лозим.

42. Ташкилотларда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисида хабар бериш тартиби қандай?

Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун (ЎРҚ-788-сон, 08.08.2022 йил)нинг 19-моддасига мувофиқ, манфаатлар

тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг раҳбарига ёки юқори турувчи давлат органига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган давлат органининг раҳбари ёки юқори турувчи давлат органи ушбу тўқнашувни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2022 йилдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон қарори 1-илоvasи (Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг Намунавий қоидалари)нинг 23-бандига мувофиқ, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўзининг раҳбарини дарҳол хабардор қилиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумот олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўришга мажбур.

43. Ташкилотларда манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чоралари нималардан иборат?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича намунавий низом (Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларига 2021 йил октябрь ойида тақдим этилган тавсиявий ички ҳужжат намунаси асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжат)га мувофиқ, **манфаатлар тўқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда қуйидаги чоралар** кўрилиши мумкин:

ходимнинг тегишли фаолиятни амалга оширишда ёки қарор қабул қилишда ихтиёрий равишда иштирок этмаслиги ёки четлашишига рухсат бериш; ходимнинг лавозим вазифаларини кўриб чиқиш ёки унга ўзгартириш киритиш; ходимнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган маълумотларга чекловлар ўрнатиш; ходимнинг шахсий манфаатлари унинг лавозим мажбуриятларига зид бўлса, уни манфаатлар тўқнашуви таъсир этмайдиган бошқа лавозимга ўтказиш; ходимнинг Ташкилот фаолиятига ёки манфаатларига салбий таъсир этувчи ўзининг шахсий манфаатларидан воз кечиши; ходимнинг шахсий манфаатлари Ташкилот фаолиятига ёки манфаатларига зид бўлса ҳамда уни бошқаришнинг бошқа чораларини қўллаш имкони бўлмаса ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш.

44. Ташкилотларда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тартиби қандай?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича намунавий низом (Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларига 2021 йил октябрь ойида тақдим этилган тавсиявий ички ҳужжат намунаси асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжат)га мувофиқ, Ташкилотда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқишини олдини олиш манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланган

ҳолда амалга оширилади: Ташкилот тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш; манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик декларация); реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиш факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш.

45. Ташкилотларда аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига ким томондан ҳуқуқий баҳо берилади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича намунавий низом (Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларига 2021 йил октябрь ойида тақдим этилган тавсиявий ички ҳужжат намунаси асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжат)га мувофиқ, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш Кадрлар бўлими томонидан амалга оширилади.

46. Ташкилотларда манфаатлар тўқнашуви қандай бошқарилади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича намунавий низом (Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларига 2021 йил октябрь ойида тақдим этилган тавсиявий ички ҳужжат намунаси асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжат)га мувофиқ, **манфаатлар тўқнашуви қуйидагича бошқарилади:** ходимларни ишга қабул қилишда уларга мазкур Низом талаблари билан имзо қўйдирилган ҳолда таништирилади; Низом талаблари бўйича ходимларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш ишлари олиб борилади; аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олиб борилади; манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш Кадрлар бўлими томонидан амалга оширилади; манфаатлар тўқнашувини олдини олиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатиш ҳамда мониторинг амалга оширилади.

Манфаатлар тўқнашуви бошқарилишида қонун ҳужжатлари талаблари асосида бошқаришнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

47. Ташкилотлар коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабар бериш имконини берувчи алоқа воситаларини яратиши мажбурийми?

Ҳа. ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжатга кўра, Ташкилотлар коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабар бериш имконини берувчи алоқа воситаларини яратиши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорида белгиланган 5 та йўналишнинг 1-йўналиши Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлиги, унинг 1.2.1.-индикатори Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари деб номланади.

48. Ташкилотларда коррупцияга оид фактлар тўғрисида хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш, шунингдек бошқа зарур чораларни кўришга ким масъул?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламентига мувофиқ, Ташкилотнинг Ички назорат тузилмаси Ташкилотнинг алоқа каналларидан келиб тушган релевант (таалукли) хабарларни кўриб чиқишга масъул ҳисобланади.

49. Ташкилотларда коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби қандай?

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни (11.09.2021 йил, ЎРҚ-445-сон) давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Ташкилотнинг алоқа каналларидан келиб тушган таалукли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги намунавий низом ва Ташкилотнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Ташкилот раҳбарига чиқарилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, Ташкилотнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Ички назорат тузилмаси масъул ходими тайинланади.

Ички назорат тузилмаси масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Ташкилот раҳбарига киритади. Ички назорат тузилмаси масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади.

Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади. Ташкилот раҳбари таалукли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Ташкилотнинг Ички назорат тузилмасига топшириқ туширади. Ташкилотнинг Ички назорат тузилмаси таалукли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичида уни Ташкилотда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида рўйхатга олиши ва белгиланган тартибда кўриб чиқиши лозим.

Ташкилотларда коррупцияга оид хабарларни кўриб чиқиш тартиби қўйидагича: Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, ички назорат тузилмасига келиб тушган барча таалукли хабарлар ушбу тузилманинг масъул ходимлари ёки Ташкилот раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

Таалукли хабар келиб тушганда Ички назорат тузилмаси ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг таалуклилигини таҳлил қилади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Ташкилот тизимида таалукли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади. Дастлабки текшириш таалукли хабар Ички назорат тузилмасига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади ва дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

Агар Ички назорат тузилмаси ходими хабар таалукли эмас деган ҳулосага келса, бу хабар бир иш куни ичида Ташкилотнинг тегишли тузилмасига билдирги асосида ўтказилиши лозим. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Ички назорат тузилмаси ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

Таалукли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Ташкилотга келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

Мурожаатга жавоб Ички назорат тузилмаси томонидан тайёрланиб, ташкилот раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади. Таалукли хабарларни кўриб чиқиш якунларига кўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

50. Ички назорат тузилмалари ташкилотга келиб тушган коррупция ва манфаатлар тўқнашувига оид бўлмаган бошқа мазмундаги мурожаатларни ҳам кўриб чиқиши мумкинми?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, агар Ички назорат тузилмаси ходими хабар таалукли эмас деган хулосага келса, бу хабар 1 (бир) иш куни ичида Ташкилотнинг тегишли тузилмасига билдирги асосида ўтказилиши лозим.

51. Ташкилотга келиб тушган коррупцияга оид хабарлар (мурожаатлар)ни кўриб чиқиш муддати қандай?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, таалукли хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Ташкилотга келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

52. Ташкилотнинг ходимлари коррупцияга қарши курашиш бўйича қандай дастурлар асосида ўқитилади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, ўқитиш қуйидаги 4 хил ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим: барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш; Ташкилот ходимларини одоб-ахлоқ қоидалари бўйича умумий ўқитиш; коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш; Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш.

53. Қайси ташкилотлар 2022 йил 1 январдан бошлаб “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этишга масъул?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори 11-бандига мувофиқ, Агентлик, Адлия

вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Бош прокуратура Академияси 2022 йил 1 январдан бошлаб “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этиши белгиланган.

54. Ташкилот ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш учун қайси ташкилотга мурожаат қилиш керак?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5177-сон қарори 11-бандига мувофиқ, Агентлик, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Бош прокуратура Академияси 2022 йил 1 январдан бошлаб «ҳалоллик вакцинаси» тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этиши белгиланган.

Ушбу тизим доирасида: давлат хизматчиларини ўқитиш туман даражасида ҳудудий адлия бўлимларида, вилоят даражасида ҳудудий олий таълим муассасаларида, республика даражасида Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиалларида амалга оширилиши; махсус электрон ўқув платформаси ишга туширилиб, у орқали давлат хизматчиларини масофадан туриб ўқитиш ҳамда хусусий сектор вакиллари ва аҳолининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини ошириш йўлга қўйилиши кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5177-сон қарорига асосан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Бош прокуратура Академияси томонидан давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқув курсларида мунтазам равишда ўқитиш тизимини яратиш тўғрисида **келишув тасдиқланган бўлиб**, унга кўра, базавий ўқув курслар: давлат органлари ўзларининг ходимлари учун идоравий таълим муассасалари; давлат органларининг туман (шаҳар) бўлинмаларида фаолият юритаётган давлат хизматчилари учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази; давлат органларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардаги бўлинмаларидаги давлат хизматчилари учун ҳудудий олий таълим муассасалари; давлат органларининг марказий аппаратидаги давлат хизматчилари учун Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиаллари томонидан ташкиллаштирилади.

Махсус чуқурлаштирилган ўқув курслар Давлат бошқаруви академияси ва Бош прокуратура Академиясида ташкил этилиб, уларда иштирок этиш иш берувчи ва таълим муассасаси ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

55. Қайси ташкилот давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқув курсларида мунтазам ўқитилиши юзасидан мониторинг ва амалий ёрдам кўрсатишни олиб боради?

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги.

56. Ташкилот ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш учун ташкилотнинг қайси тузилмаси масъул ва ушбу йўналишда ташкил этиладиган ўқитиш ишларини ким мувофиқлаштиради?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, Ташкилотнинг **Кадрлар тузилмалари** Ташкилот ходимларини ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

Ташкилотнинг **Ички назорат тузилмаси** Ташкилот ходимларини ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

57. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни коррупцияга қарши текширишга қайси тузилма масъул?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, **Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни коррупцияга қарши текширишга** Кадрлар бўлинмаси ва Ички назорат тузилмалари масъул ҳисобланади.

58. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодлардан қандай ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин?

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 124-моддаси (Ишга қабул қилиш чоғида талаб этиладиган ҳужжатлар)га мувофиқ, Ишга қабул қилиш чоғида ишга қираётган шахс **қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:** паспортни ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни ёхуд идентификацияловчи ID картани, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёки идентификацияловчи ID картани; охириги иш жойи бўйича тасдиқланган қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасини ёки электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани, бундан биринчи марта ишга қираётган шахслар мустасно.

Ўриндошлик асосида ишга қираётган шахслар меҳнат дафтарчасининг ўрнига асосий иш жойидан олинган белгиланган намунадаги маълумотномани тақдим этади; ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чакирилувчилар учун тегишинча ҳарбий гувоҳномани ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани; олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълим ташкилотини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни, қайси ишни бажариш учун фақат

махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар қўйилиши мумкин бўлса, ўша ишга кириш чоғида ушбу ишни бажариш ҳуқуқига доир гувоҳномани (сертификатни) ёхуд бошқа тегишли ҳужжатни; солиқ тўловчининг идентификация рақамини; жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (мавжуд бўлганда); жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини, бундан биринчи марта ишга кираётган шахслар мустасно.

59. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш қачон ва неча кун муддатда амалга оширилади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, агар ходимларни танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги) томонидан амалга оширилса, номзодларни текшириш номзод қабул комиссияси баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасидан олдин амалга оширилади.

Агар номзодларни танлаб олиш Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги иштирокисиз амалга оширилса, у ҳолда ишга қабул қилинаётган номзод профессионал танлов ва (ёки) тестдан муваффақиятли ўтгач, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

Номзодни текшириш 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади. Номзодни белгиланган муддатларда текшириш холис сабабларга кўра имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатга чўзилиши мумкин.

60. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очик манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотлардан фойдаланилади.

61. Ташкилотга ишга қабул қилинаётган номзодлар тўғрисида ўтказилган текширув натижасида тўпланган маълумотлар ва ҳужжатлар қанча муддатда ва қайси тузилмада сақланади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, текширув ўтказилгани тўғрисидаги ҳисобот нусхаси, шунингдек ҳисоботдаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар (масалан, скриншотлар, кўчирма, ваколатли муассасаларга юборилган сўровлар ва уларга олинган жавоблар ва ҳақозо) Кадрлар бўлинмаси томонидан камида 10 йил давомида сақланиши шарт.

Ташкилотга ишга жойлаша олмаган номзодларни текшириш натижалари 3 йил давомида сақланади.

62. Ички назорат тузилмалари томонидан ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни кимга тақдим этади ва тақдим этиш муддатлари қандай?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, Ички назорат тузилмалари томонидан ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай тузилади ва Ташкилот раҳбарига (Ташкилот хайъатига) кўриб чиқиш учун топширилади.

Ички назорат тузилмаси қисқа маълумотнома бириктирилган коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 21 санасигача Ташкилот раҳбарига тақдим этади.

Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасидан кечиктирмай ҳар чораклик Ташкилотнинг умумий ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига кўриб чиқиши учун киритиб боради.

63. Ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантириш тартиби қандай?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, ҳисоботни шакллантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2 санасидан кечиктирмай, Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси масъул ходимларга ушбу ойнинг 10 санасигача тегишли раҳбарлар томонидан тасдиқланган мазкур Низом 1-иловасига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши тўғрисида хабарнома юборади;

б) Ташкилотнинг марказий аппарати бўлинмаларининг ҳисоботи Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси томонидан тузилади ва Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул бўлган раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади;

Коррупцияга қарши курашиш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботнинг бирон-бир бўлими бўйича тадбирлар ўтказилмаган тақдирда, тадбирлар амалга оширилмаганлиги сабабини кўрсатиш лозим.

в) Ҳисоботларга киритилган ахборот тегишли ҳужжатлар нусхалари ва бошқа маълумотларга асосланган бўлиши керак;

г) Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси ушбу Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган шаклда Ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимнинг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузади ҳамда қўшимча равишда унга ушбу Низомнинг 1-иловасидаги шакл бўйича Ташкилот тизими бўйича тузилган ҳисоботдаги маълумотларни киритади.

64. Хизмат текширувлари қандай маълумотларга асосан ўтказилади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, хизмат текшируви Ташкилот ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин: Ташкилот ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти; жисмоний ва юридик шахсларнинг Ташкилотнинг алоқа каналларига юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари; оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар; ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар; ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари, шунингдек, давлат молиявий назорат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари; Ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари; Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларининг топшириқлари; бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

65. Кимлар хизмат текширувларини ўтказиш ташаббускорлари бўла олади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, қуйидагилар Хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади: Ташкилот раҳбари ва унинг ўринбосарлари; ҳудудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари; Ташкилотнинг Одоб-ахлоқ комиссияси; Ички назорат тузилмаси (коррупцияга қарши курашишга масъул ходимлар); Ташкилотнинг ички аудит ва молиявий назоратга жавобгар

таркибий бўлинмаси раҳбари; Ташкилотнинг юридик хизмати раҳбари; Ташкилотнинг кадрлар билан ишловчи бўлинмалари раҳбарлари.

66. Хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қандай маълумотлар кўрсатилиши керак?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қуйидагилар кўрсатилади: Хизмат текшируви предмети (мавзуси); Хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган сабаб ёки вазият; Хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган қоидабузарликни содир этишда гумонланаётган ходим (лар), у (лар)нинг ФИШ ва лавозими (бўлинма (бошқарма, бўлим) номи) маълум бўлса; Хизмат текширувини ўтказиш учун маъсул бўлган ишчи гуруҳ таркиби; Ишчи гуруҳ аъзолари ва раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; Хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.

67. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркибига кимлар киритилиши мумкин, кимлар эса киритилиши мумкин эмас?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби, Ишчи гуруҳ раҳбари таклифига асосан тузилади, қоида тариқасида унга Ички назорат тузилмалари, кадрлар билан ишловчи бўлинмалар, юридик хизмат, ички аудит ва молиявий назорат бўлинмалари ҳамда лавозим мажбурияти Хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа бўлинмалар ходимлари **киритилиши мумкин**.

Таркибий ва ҳудудий бўлинмалар томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ таркибига Ташкилот марказий аппарати ходимлари киритилиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, қуйидаги ходимлар ишчи гуруҳ таркибига **киритилмайди**: Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг яқин қариндошлари; Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита бўйсинувидаги ходим; Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбари (Ташкилот, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари бундан мустасно); Хизмат текшируви ўтказилаётган йўналишни бошқараётган ташкилот, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарининг ўринбосарлари; текширув якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида гумон (масалан бирга таълим олган, бир ҳудуддан бўлган, ишқий муносабатларда, хизмат

текшируви ўтказилаётган ходим билан ошкора зиддиятга эга ва ҳақозо) бўлган бошқа ходимлар.

68. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ ҳуқуқбузарликка оид қандай маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга ошириши лозим?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади; қоидалари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ташкилотнинг ички идоравий ҳужжатлари талаблари; Қоидабузарликни содир этиш вақти, жойи, усули; қоидабузарликни содир этишга жалб қилинган шахслар доираси (Ташкилот ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам); қоидабузарликнинг оғирлик даражаси; Ташкилотга етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеридаги зарарнинг кўриниши ва кўлами; қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

69. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, хизмат текширувини ўтказишда **ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

Ташкилот ходимлари билан суҳбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган учинчи шахслар, шунингдек, ташқи экспертларни уларнинг розилиги билан Хизмат текшируви жараёнига таклиф қилиш. Учинчи шахслар ва ташқи экспертларни жалб қилиш масаласи Ташкилот, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари билан келишилиши шарт; суҳбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш бераётган шахснинг розилиги билан аудио ва видеоқайд этувчи ускуналар қўллаш билан қайд этишни амалга ошириш; Ташкилот ходимларидан Хизмат текширувига алоқадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш; Ташкилот мулкнинг бус-бутунлигини хатлов ва тафтишдан ўтказиш; ўтказилаётган Хизмат текшируви доирасида ўз лавозим мажбуриятларини бажариш учун фото ва видеоқайдларни амалга ошириш.

Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари мажбуриятлари:

Хизмат текширувини ўтказишда ушбу Регламент, Ташкилотнинг бошқа ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал

қилиш; Хизмат текшируви моҳияти бўйича мавжуд барча материалларни тўплаш; Хизмат текшируви мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг (хужжатлар, электрон маълумотлар ва бошқалар) бутлигини сақлаш бўйича чоралар кўриш; мазкур Регламент, Ташкилотнинг бошқа ички хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари Хизмат текшируви ўтказиш доирасида олинган маълумотларнинг мутлақо конфиденциаллигини сақлаш ва ошқор қилмаслик; мазкур Регламент талабларига мувофиқ равишда текширув натижаларини расмийлаштириш, шу жумладан, жавобгарлик чоралари, шунингдек, қоидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф қилиш имконини берадиган чораларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

70. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларнинг қандай ҳуқуқлари мавжуд?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий хужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички хужжатга мувофиқ, устидан **Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидаги ҳуқуқларга** эга:

Хизмат текшируви ўтказиш факти тўғрисида хабардор бўлиш; қоидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, Хизмат текширувининг бориши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш ҳуқуқи билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек, унинг тушунтиришларини тасдиқлаши мумкин бўлган исбот-далилларни тақдим этиш; Тушунтиришлар тақдим этишдан бош тортиш – бу ҳолда ушбу Регламентнинг 33-бандида кўзда тутилган далолатнома тузилади; ўзи томонидан тақдим этилган, ўтказилаётган Хизмат текшируви, Хизмат текшируви материалларига алоқадор бўлган хужжат ва материалларга қўшиб қўйишни талаб қилиш; Хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва бундай хабар олингандан кейин 2 (икки) кун ичида Хизмат текшируви маълумотномасининг унга тегишли қисми билан у тасдиқланишига қадар танишиш (у фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган конфиденциал ахборотдан ташқари); Хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан, ишчи гуруҳ томонидан текширув якуналари бўйича таклиф этилган жавобгарлик чорасидан норози бўлган тақдирда ушбу қарор устидан ташкилот раҳбарига ёки юқори турувчи идораларга шикоят қилиш.

71. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш қандай тартибда амалга оширилади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий хужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички

хужжатга мувофиқ, хизмат текшируви натижалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, унинг барча аъзолари, Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан имзоланадиган маълумотнома тузилади. Маълумотнома мазкур Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тузилиб, кириш, баён, хулоса ва таклиф қисмидан иборат бўлади.

Маълумотнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган, ишчи гуруҳ аъзоси, шунингдек устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс ёзма равишда расмийлаштирилган ва ишга тиркалган ҳолда алоҳида фикрда эканлигини билдирган белги билан маълумотномага имзо қўйиши мумкин.

Устидан Хизмат текшируви ўтказилаётган шахс маълумотномага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолотнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, Хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

Маълумотномага асосан ташкилот, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбари қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин: қоидабузарлик тўғрисидаги маълумот тасдиқланмаганлиги муносабати билан Хизмат текширувини тўхтатиш; сабаблар ва муддатлари кўрсатилган ҳолда Хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун, зарурият туғилганда эса – ишчи гуруҳ таркибини ўзгартириш учун қайтариш; айбдор ходимни интизомий жавобгарликка тортиш; ходимга нисбатан огоҳлантириш, профилактик ҳарактердаги чораларни қўллаш; келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чоратadbирларни ишлаб чиқиш; ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома Ички назорат тузилмасига, кадрлар билан ишловчи таркибий бўлинмаларга тақдим этилади.

Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

72. Хизмат текширувига оид хужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қандай тартибда амалга оширилади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент (намунавий хужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички хужжатга мувофиқ, хизмат текширувида иштирок этаётган Ташкилот ходимлари текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Ўтказилган Хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан ваколатли фойдаланиш ҳуқуқига фақат Ташкилот раҳбари, Ички назорат тузилмаси ва ишчи гуруҳ аъзолари (мазкур ишчи гуруҳ аъзоси иштирок этган текширувлар

бўйича) эга. Ўз лавозим вазифаларини бажариш учун ўтказилган Хизмат текширувлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган ходимлар, ушбу ахборотдан фойдаланиши учун Ташкилот, ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарининг ёзма розилигини олиши лозим. Хизмат текширувига оид материаллар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга рақамланган ва тикилган ҳолда Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар бўлинмасига топширилади.

Ташкилотнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмаси, ҳудудий ва таркибий бўлинмалардаги ушбу вазифа юкланган бўлинмалар мазкур Регламентнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда Хизмат текширувлари электрон реестри юритилишини таъминлайди. Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар ўтказилган Хизмат текширувлари электрон реестрини ҳар чоракда Ички назорат тузилмасига тақдим этишлари шарт.

Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 (ўн) йил давомида сақланиши лозим.

73. Харид қилиш тартиб-таомилларининг қайси турлари бўйича контрагентлар текширилиши лозим?

Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан, улар ўртасидаги алоқа мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.

74. Қандай контрагентларга нисбатан текширув ишлари амалга оширилмаслиги мумкин?

Электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион шаклида ўтказилган харидлар бўйича контрагентлар текширилмайди.

Шунингдек, текширув қуйидаги контрагентларга нисбатан амалга оширилмаслиги мумкин: ташкилот марказий аппарати билан ёки таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ўзаро шартномавий муносабатга киришаётган бўлса; коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (шу жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариш, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш (кўмиш) тармоқларига уланиш), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар) бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар; Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентлар.

75. Контрагентларга нисбатан текширувлар қандай муддатларда амалга оширилиши лозим?

Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ,

текширув Йўриқноманинг **7-бандида** (Электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион шаклида ўтказилган харидлар бўйича контрагентлар текширилмайди) ва **8-бандида** (Ташкилот марказий аппарати билан ёки таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ўзаро шартномавий муносабатга киришаётган бўлса; коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (шу жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариш, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш (кўмиш) тармоқларига уланиш), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар) бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар; Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентлар) **кўрсатилганлардан ташқари** барча янги контрагентларга нисбатан, шунингдек амалдаги контрагентларга нисбатан камида бир йилда бир марта амалга оширилади.

76. Контрагентларни текшириш учун ҳужжатларни тўплаш ва тақдим қилиш учун қайси тузилма маъсул ҳамда текшириш учун ижрочига қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?

Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, харид жараёни доирасида қонунчилик ва Ташкилотнинг ички ҳужжатлари томонидан ўрнатилган муддатларга риоя қилиниши устидан текширувни амалга ошириш учун маъсул – тегишли Харид комиссия раиси ёки шартнома ташаббускори ҳисобланади (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга ошириладиган бўлса). Бунда, ижрочи Харид комиссияси раиси томонидан тайинланади.

Контрагентни текшириш учун ижрочига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: контрагентнинг ўзи ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирган якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотнома; контрагентдан олинган ҳужжатлар нусхаси (ушбу Йўриқноманинг 2-иловаси); контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлари (мавжуд бўлса) нусхаси (сиёсатлар, низомлар, одоб-ахлоқ қоидалари, коррупцияга қарши дастурлар ва б.).

77. Контрагентларни текшириш доирасида ижрочи қандай маълумотларни таҳлил қилиши лозим? Ижрочи томонидан контрагентларни текшириш қандай йўналишларда амалга оширилиши лозим?

Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, контрагентларни текшириш доирасида ижрочи қуйидагиларни таҳлил қилади:

контрагент томонидан тақдим этилган ахборот ва ҳужжатлар. Ушбу Йўриқноманинг 2-иловасида кўрсатилган ҳужжатларни контрагентдан олиш имкони бўлмаганда ёки олинган ҳужжат ёки ахборотларнинг ишончли

эмаслиги (сохталаштирилгани) белгилари мавжуд бўлган ҳолларда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада тегишли белги қўяди; очиқ манбалардан олинган маълумотлар. Ижрочи 3-иловада кўрсатилган ахборот манбаларидан фойдаланиши мумкин. Ушбу рўйхат тавсиявий бўлиб, зарурият туғилганда ижрочи бошқа манбалардан фойдаланиши мумкин; тегишли ташкилотларга расмий сўровнома юбориш йўли билан олинган ҳужжатлар; Ташкилотнинг ички ресурслари, шу жумладан, контрагентлар текширувлари реестри, ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви реестри ва бошқалар.

Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, контрагентларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1) контрагентнинг ҳуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихини текшириш, шу жумладан: а) шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; б) шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; в) солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; г) контрагентларга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; д) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

2) контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътибори;

3) манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш.

Ушбу йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Текширув йўналишлари рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда ижрочининг харид комиссияси қарори билан келишилган талаби билан кенгайтирилиши мумкин. Бунда, текшириш йўналиши давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлиши ва (ёки) рақобат тамойилларини чеклашга олиб келишига йўл қўйилмаслиги лозим.

78. Контрагентнинг ҳуқуқий лаёқатини, молиявий барқарорлигини, ишончлилигини ва алоқалар тарихини текшириш доирасида ижрочи қайси турдаги маълумотларни аниқлаши лозим бўлади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, контрагентнинг ҳуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган муносабатлар тарихини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

Тадбиркорлик субъектларининг Ягона реестрида контрагентнинг борлиги; контрагентнинг юридик ва амалдаги манзили; контрагент раҳбари ва таъсисчиларининг Ф.И.Ш.; контрагент асосий фаолият турининг харид предметиға мувофиқлиги; контрагент фаолиятини тугатиш, қайта ташкил

этиш, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; контрагентда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда лицензияланиши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун зарур лицензияларнинг (рухсатномалар) мавжудлиги; Контрагентда очиқ ахборот, тақдим этилган ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобдорлигига мувофиқ, асосий маблағлар, хусусий капитал, ходимлар ва бошқа техник, молиявий, моддий ва Ташкилот олдидаги мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; Контрагент номидан Ташкилот билан шартномавий муносабатларга киришаётган шахсда тегишли ваколатнинг мавжудлиги; Контрагент махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги; Контрагентнинг сўнгги икки йил ичида Ташкилот олдидаги шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажармаганлиги ёки уларнинг лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги; Контрагентда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

79. Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў (нуфузи)ни текшириш доирасида ижрочи қандай маълумотларни аниқлаши лозим бўлади?

Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома (намунавий ҳужжат) асосида ташкилотда қабул қилинган ички ҳужжатга мувофиқ, контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътиборини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

очиқ ахборот манбаларида контрагент, унинг мулкӣ эгалари, шу жумладан бенефициар мулкӣ эгалари ёки раҳбарларнинг фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар ёки бошқа ноқонуний фаолиятда иштирок этганлиги тўғрисидаги ахборот мавжуд эмаслиги; контрагент раҳбарига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органларида қораловчи маълумот ёки материалларнинг мавжуд эмаслиги; контрагент, унинг мулкӣ эгалари ёки бош директор (бошқарув органлари аъзолари) ва бошқа раҳбарларнинг жиноий тузилмалар, экстремистик ва террористик ташкилотлар билан ўзаро алоқаси мавжуд эмаслиги; контрагентнинг ишбилармонлик ахлоқий меъёрлари ва коррупцияга қарши курашиш масалаларини тартибга солувчи тартиб-таомил ва сиёсатларнинг мавжудлиги; контрагентнинг мулк эгалари ёки раҳбарларига (бошқарув органлари аъзолари) нисбатан унинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари мавжуд эмаслиги; контрагент, унинг мулк эгалари ёки бошқа раҳбарлари тўғрисида бошқа салбий маълумотлар мавжуд эмаслиги.

80. Ижрочи томонидан ўтказилган текширув натижалари қандай тартибда расмийлаштирилиши лозим?

Ўтказилган текширув натижалари бўйича ижрочи ушбу Йўриқноманинг 4-иловасида келтирилган шаклда хулоса тузади. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосага ижрочи ўтказилган таҳлил ва таҳлилни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни илова қилади.

81. Текширувлар давомида реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви белгилари аниқланган ҳолатда ижрочи томонидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим?

Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви аломатлари аниқланган тақдирда ижрочи уни тартибга солиш зарурияти тўғрисида чораларни кўриш бўйича Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга таклиф киритади. Агар манфаатлар тўқнашуви аломатлари Ташкилот ходимларида аниқланган бўлса, бу ҳақда Ички назорат тузилмаси хабардор қилади. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича ўтказилган таҳлил яқунлари ва уни тартибга солиш бўйича чоралар ҳам контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада акс эттирилади.

82. Контрагентларни текшириш яқунлари бўйича тўпланган ҳужжатларни сақлаш қандай тартибда амалга оширилади?

Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар контрагент билан шартнома муносабатлари тўхтатилган кундан бошлаб камида 3 (уч) йил Ички назорат тузилмасида сақланади.

83. Ташкилот ходимлари томонидан совғалар қабул қилиш масаласи қайси ҳужжат билан тартибга солинади ва ташкилотнинг қайси таркибий тузилмалари масъул?

Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг “Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2023 йил 11 мартдаги 54-сон буйруғи [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 мартда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3425] билан тартибга солинади.

Ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, давлат органи раҳбарининг буйруғига (қарорига, фармойишига) асосан: совғанинг қийматини аниқлаш ва уни сақлаш, Совғалар реестрини юритиш давлат органининг хўжалик бўлинмаси (ходими) томонидан; совғани давлат органининг балансига қирим қилиш мазкур давлат органининг молия-иқтисод бўлинмаси (ходими) томонидан; совғалар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш давлат органининг коррупцияга қарши курашиш бўлинмаси (ходими) томонидан амалга оширилади.

Бунда, давлат органида мазкур бандда назарда тутилган таркибий бўлинмалар (ходимлар) мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли вазифа давлат органи раҳбарининг буйруғига (қарорига, фармойишига) асосан бошқа таркибий бўлинмага (ходимга) юклатилиши мумкин.

III БОБ. ТАШКИЛОТЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИГА ОИД МАСАЛАЛАР

84. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида амалга оширилади? Рейтинг баҳолаш қандай йўналишлар ва мезонлар ҳамда индикатор кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан, рейтинг баҳолаш алоҳида индикаторлардан ташкил топган **5 та йўналишлар бўйича** амалга оширилади:

биринчи йўналиш — давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;

иккинчи йўналиш — коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

учинчи йўналиш — давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши мурасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;

тўртинчи йўналиш — ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

бешинчи йўналиш — коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги «**яхши**», «**қониқарли**» ва «**қониқарсиз**» тоифаларга ажратилади.

Бунда, индикаторларни бажариш орқали:

81 баллдан 100 баллгача тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги — «**яхши**»;

55 баллдан 81 баллгача тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги — «**қониқарли**»;

55 дан паст балл тўплаган давлат ташкилоти фаолият самарадорлиги — «**қониқарсиз**» деб топилади.

Рейтинг баҳолаш йўналишлари бўйича баллар қуйидагича тақсимланади:

биринчи йўналиш — максимал **35 балл**;

иккинчи йўналиш — максимал **30 балл**;

учинчи йўналиш — максимал **15 балл**;
тўртинчи йўналиш — максимал **15 балл**;
бешинчи йўналиш — максимал **5 балл**.

85. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашни амалга ошириш тартиби қандай?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан:

1-босқичда Агентлик ҳар йили 5 январга қадар: рейтинг баҳолашдан ўтказиладиган давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рўйхатини тузади. Рўйхатга киритилган давлат ташкилотларига «E-Anticor.uz» электрон платформаси орқали тегишли маълумотларни киритиш тўғрисида хат киритади.

2-босқичда Давлат ташкилотлари ҳар чоракда (10 апрель, 10 июль ва 10 октябрга қадар): «E-Anticor.uz» электрон платформаси орқали Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари жадвалини тўлдириш йўли билан маълумот киритиб боради.

3-босқичда Агентлик мунтазам равишда: Давлат ташкилотлари томонидан «E-Anticor.uz» электрон платформасига киритилган маълумотларни таҳлил қилиб боради. Якуний рейтинг баҳолаш натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «қоникарсиз» деб топилиши мумкин бўлган давлат органларига тавсиялар киритади, уларга услубий жиҳатдан кўмаклашади.

4-босқичда Давлат ташкилотлари ҳар йили 10 январдан кечиктирмасдан «E-Anticor.uz» электрон платформаси орқали йиллик (олдинги йилнинг 1 январидан баҳоланиш ўтказилаётган йилнинг 1 январига қадар) маълумотларни киритади.

5-босқичда Агентлик ҳар йили 1 февралга қадар йиллик маълумотлар киритилгандан кейин танлов асосида тегишли давлат ташкилотлари маълумотларининг ҳаққонийлигини ўрганади.

6-босқичда Агентлик ҳар йили 5 февралга қадар шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳига тақдим этади.

7-босқичда Экспертлар гуруҳи ҳар йили 15 февралга қадар Агентлик томонидан шакллантирилган дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади ва қуйидагилардан бирини Агентликка тақдим этади: дастлабки рейтинг баҳолаш натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ёки қисман ўзгартириш ҳақида хулоса; муқобил рейтинг баҳолаш натижалари.

8-босқичда Агентлик ҳар йили 20 февралга қадар Экспертлар гуруҳи хулосаси (ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаси)ни пухта таҳлил қилади ва унга кўра дастлабки рейтингни ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик ҳақида қарор

қабул қилади. Ҳар бир давлат ташкилотига унинг рейтинг баҳолаш натижаси ҳақидаги маълумотни юборади.

Давлат ташкилотлари ҳар йили 25 февралга қадар Давлат ташкилотлари ўз рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади, таклиф ва эътирозларини Агентликка юборади.

Агентлик ҳар йили 1 мартга қадар давлат ташкилотлари томонидан тақдим этилган таклиф ва эътирозларни пухта таҳлил қилади ва рейтинг баҳолашни ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик ҳақида қарор қабул қилади.

9-босқичда Агентлик ҳар йили 1 мартда Якуний рейтинг натижаларини Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга киритади ҳамда ўз расмий веб-сайти ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади.

10-босқичда Агентлик ҳар йили 15 мартга қадар Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «қоникарли» деб топилган давлат ташкилотларига самарадорликни янада ошириш бўйича тавсиялар киритади.

Давлат ташкилотлари белгиланган муддатларда Агентлик томонидан киритилган тавсиялар ижроси бўйича маълумотларни «E-Anticor.uz» электрон платформасига киритиб боради.

11-босқичда Давлат ташкилотлари, Агентлик ҳар йили 20 мартга қадар Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «қоникарсиз» деб топилган давлат ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқади ва уни Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқлайди. Белгиланган муддатларда Тасдиқланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш чораларини кўради.

86. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари ҳолислигини ким текширади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан, рейтинг баҳолаш натижаларининг ҳолислигини таъминлаш мақсадида ҳар йили 9 кишидан иборат бўлган Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи экспертлар гуруҳи (кейинги ўринларда — Экспертлар гуруҳи) шакллантирилади.

87. Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи Экспертлар гуруҳи таркиби қандай шакллантирилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан, Экспертлар гуруҳи таркиби Агентлик томонидан давлат ташкилотлари таклифларига асосан шакллантирилади.

Экспертлар гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, коррупцияга қарши курашиш бўйича экспертлар, шу жумладан амалий тажриба ва жамиятда юқори обрўга эга бўлган бошқа шахслар киритилади.

Бунда, Экспертлар гуруҳи таркибида камида 3 киши фуқаролик жамияти институтлари вакилларида бўлиши лозим.

88. Давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолашнинг якуний натижалари нимага асосланади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан, Агентлик ҳар йили 20 февралга қадар **Экспертлар гуруҳи томонидан тақдим этилган хулоса ёки муқобил рейтинг баҳолаш натижаларини** пухта таҳлил қилади, унга кўра якуний баҳолаш натижаларини шакллантиради ва баҳоланаётган давлат ташкилотларига тақдим қилади.

89. Давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари бўйича эътирозлар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби қандай амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан, давлат ташкилотлари ҳар йили 25 февралга қадар Агентлик томонидан юборилган якуний рейтинг баҳолаш натижаларини кўриб чиқади ҳамда зарурат бўлганда ўз таклиф ва эътирозларини Агентликка тақдим қилади.

Агентлик давлат ташкилотлари томонидан тақдим этилган таклиф ва эътирозларни пухта таҳлил қилади ва ҳар йили 1 мартга қадар рейтинг баҳолашни ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик ҳақида қарор қабул қилади.

90. Маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиш жараёнида нотўғри ёки сохта маълумотлар киритилганлиги аниқланган тақдирда қандай чора кўрилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан, маълумотларнинг ҳаққонийлигини замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали масофавий ўрганиш жараёнида нотўғри ёки сохта маълумотлар киритилганлиги аниқланган тақдирда, Агентликнинг ўзи электрон тизимга киритилган маълумотларни мустақил равишда ўзгартиради ва бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашига маълумот беради.

91. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижасида “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” деб баҳоланган давлат ташкилотлари бўйича қандай чоралар амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижасида «яхши» деб баҳоланган давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги **ижобий тажрибасини оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар** белгиланади ва амалга оширилади.

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижасида **«қониқарли»** деб баҳоланган давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича **тавсиялар** киритилади ва уларни амалга оширишда кўмаклашилади.

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги **«қониқарсиз»** деб топилган давлат ташкилотлари ҳар йили 20 мартга қадар коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган **чора-тадбирлар дастури** ишлаб чиқиши ва уни Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқлаши лозим.

Кетма-кет икки йил давомида коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги **«қониқарсиз»** деб топилган давлат ташкилотлари раҳбарларига белгиланган тартибда **интизомий жавобгарлик чораларини** қўллаш масаласи кўриб чиқилади.

92. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашда қандай маълумотларни киритиш тақиқланади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан, тизимга давлат томонидан қўриқладиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотларни киритиш тақиқланади.

93. Давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумот Агентлик томонидан қачон ва қайси ташкилотга киритилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига асосан, Агентлик рейтинг баҳолаш якунларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз» бўлган давлат ташкилотлари рўйхатини ҳар йили 1 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга киритади ҳамда ўз расмий-веб сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

IV БОБ. ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР

94. Ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг ҳуқуқий асослари қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 йилдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сон қарори ва Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарори, 31.08.2022 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3383).

95. Коррупция хавф-хатарларига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхати қандай шакллантирилади?

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарори, 31.08.2022 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3383)га асосан, давлат ташкилоти марказий аппаратининг махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан «E-anticor.uz» электрон платформасида жойлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан автоматик равишда давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлари рўйхати шакллантирилади.

96. Ташкилотларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қачон ва ким томонидан амалга оширилади?

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарори, 31.08.2022 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3383)га асосан, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш махсус бўлинма ёки ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Махсус бўлинма — давлат ташкилотидаги коррупцияга қарши ички назорат тузилма.

Ишчи гуруҳ — коррупцияга қарши Ички назорат тузилмалари мавжуд бўлмаган давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун тузиладиган ходимлар таркиби.

97. Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси нима?

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарори, 31.08.2022 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3383)га асосан, Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси — давлат ташкилоти фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат.

98. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда қандай маълумотлардан фойдаланилади?

Давлат ташкилоти фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар **ички ва ташқи ахборот манбалари** асосида аниқланади.

Ички ахборот манбалари қуйидагилардан иборат: давлат ташкилоти фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) ҳуқуқий асоси; ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари; одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йиғилиш баённомалари; коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари; махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан давлат ташкилоти фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари ва бошқалар.

Ташқи ахборот манбалари қуйидагилардан иборат: давлат ташкилоти фаолияти тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар; Агентлик ёки бошқа давлат ташкилотлари томонидан давлат ташкилоти фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

99. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри қандай шакллантирилади?

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-

хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарори, 31.08.2022 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3383)га асосан, Агентлик томонидан «E-anticor.uz» электрон платформасида жойлаштирилган давлат ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари асосида автоматик равишда коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилади. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри лойиҳаси Агентлик томонидан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун ўн беш кундан кам бўлмаган муддатга «Eanticor.uz» веб-сайтига жойлаштирилади.

100. Ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида баҳолашдан ўтказишга ким жавобгар ҳисобланади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 йилдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сон қарорига асосан, давлат ташкилотларининг раҳбарлари ўзларига юкланган функцияларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун шахсан жавобгардир.

ГЛОССАРИЙ

АХЛОҚ - (араб. - хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия) деган маъноларни англатади. Ҳозирги вақтда бу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларнинг мажмуини акс эттиради. Ахлоқ тушунчасини икки хил маънода қўриш мумкин: ахлоқ умумий тушунча сифатида этиканинг тадқиқот объектини англатса, яқка тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос қўринишини англатади.

БЕНЕФИЦИАР МУЛҚДОР - якуний ҳолатда мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки мижозни ҳақиқатда назорат қилувчи ва манфаати кўзланган ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилаётган жисмоний шахс (Тўлов тизимлари операторлари, электрон пул тизимларининг операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2020 йил 24 июндаги 357-В ва 13-сон қарорига илова Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами-3266).

БИЗНЕСДАГИ КОРРУПЦИЯ - ҳўжалик юритувчи субъектлар, тижорат ташкилотларида содир этиладиган коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар.

БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТўҚНАШУВИ - мансабдор шахснинг ўз манфаатларини кўзлаб, жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги.

ВЕРТИКАЛ КОРРУПЦИЯ - бу атама икки маънода ишлатилади. Биринчидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинган ноқонуний мукофотнинг бир қисмини юқори даражадаги мансабдор шахсларга ўз ҳавфсизлигини таъминлаш ва коррупция фаолиятини давом эттириш учун бериб боришдир. Иккинчидан, давлат органида коррупциявий фаолиятни амалга оширувчи ҳар икки томон ҳам бир соҳага мансуб бўлиб, қуйи давлат органининг мансабдор шахси порани ўз бошлиғига бериб боради, бошлиқ эса қуйи орган раҳбарини коррупция фаолиятини ҳимоялайди ёки унга қўшимча молиявий, моддий ва бошқа ресурслар, ваколат ва бошқа имкониятлар берилишини таъминлайди. Бу коррупциянинг энг хавфли тури бўлиб, ушбу турдаги коррупция, одатда, юқори ва қуйи коррупция ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Натижада коррупциянинг уюшган шакллари ва коррупция тармоқлари шаклланишига сабаб бўлади.

ДАВЛАТ ХАРИДИ - “Давлат харидлари” тўғрисидаги қонунга биноан, товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш тушинилади.

ЖИНОЯТ - жиноят қонуни билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади (ЖК 14-моддаси 1-қисми). Фақатгина, қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят бўла олади. Жиноят содир қилиш тўғрисидаги фикр жиноят сифатида қабул қилинмайди. Жиноят белгилари қуйидагилар: қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги; қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги; қилмишда айбнинг мавжудлиги; қилмишнинг жазога сазоворлиги.

ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА КОРРУПЦИЯ - давлат маблағлари ва ресурсларининг самарасиз тақсимланиши ва сарфланиши, бизнесни юритишда қўп вақт ва моддий харажатлар, молиявий ва тижорат хавфларининг ўсиши, нархларнинг ўсиши, рақобат муҳитининг ёмонлашиши, хуфёна иқтисодиётнинг ўсиши, солиқ тушумларининг камайиши, инвестицион муҳитнинг ёмонлашиши, инвестицияларнинг камайиши ва умуман мамлакат иқтисодиёти самарадорлигининг пасайишига қаратилган ҳаракатлар.

ИЖТИМОЙ СОҲАДА КОРРУПЦИЯ - ижтимоий тенгсизлик ва қашшоқликнинг кучайиши, ҳокимиятнинг бюджет соҳасига зарар етказувчи “зарбалар” (“откат”)лар туфайли ижтимоий муаммоларни ечишга қодир бўлмай қолиши, уюшган жиноятчиликнинг кучайиши ва жамоатчилик кўз ўнгида қонуннинг обрўсизланишига олиб келиши, давлат хизматида ахлоқий меъёрлар моҳиятининг йўқолиши ва ижтимоий кескинликнинг ўсишига қаратилган ҳаракатлар.

ЙИРИК (ЮҚОРИ ТОИФАДАГИ) КОРРУПЦИЯ - амалдаги давлат сиёсатини йўққа чиқарадиган, ҳукумат даражасида амалга ошириладиган сиёсий ва ҳукумат раҳбарларига халқ ҳисобидан манфаат кўришга имкон берадиган ҳаракатлар.

КОНТРАГЕНТ - ташкилот билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

КОРРУПЦИЯ - (лот. corrumpere — бузмоқ) термини одатда мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади. Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши тушинилади. Қўп ҳолларда бу атама сиёсий элитадаги бюрократик аппаратга қарата ишлатилади. Коррупция кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги билан ҳуқуққа қарши ҳаракат сифатида таъқиб қилинади.

БМТнинг коррупцияга қарши Конвенциясида қуйидаги ҳолатлар коррупцияга оид жиноятлар сифатида келтирилган: давлат ва хусусий секторда порахўрлик (15, 16 ва 21-моддалар); давлат ва хусусий секторда ўзлаштириш ва растрата қилиш (17 ва 22-моддалар); мансаб обрўсидан

фойдаланган ҳолда ноқонуний таъсир ўтказиш (18-модда); мансааб вазибаларини суиистеъмол қилиш (19-модда); ноқонуний бойиш (20-модда); пул ювиш (23-модда); юқорида санаб ўтилган жиноятлар билан боғлиқ бўлган мол-мулкларни яшириш (24-модда) ва одил судловга тўсқинлик қилиш (25-модда).

КОРРУПЦИЯ - Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонунга мувофиқ, шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш.

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ЁКИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА БОШҚА ТАРЗДА КЎМАКЛАШГАН ШАХСЛАР - фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси.

КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192⁹ ва 192¹⁰, 205, 209 — 214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар.

КОРРУПЦИЯГА ОИД МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР - Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61¹, 193¹ ва 193²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ - коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул тузулмалар.

КОМПЛАЕНС, КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ (инглизча compliance - мувофиқлик; to comply - риоя қилиш феълидан келиб чиққан) - сўзма-сўз таржима қилинганда (Оксфорд инглизча луғатида қаранг) мувофиқлик - қоида ва кўрсатмаларга мувофиқ фаолият юритиш; итоаткорлик (инглизча compliance is an action in accordance with a request or command, obedience).

КОМПЛАЕНС-РИСКЛАР - халқаро стандартлар, миллий қонунчилик ҳужжатлари (қонунлар ва қонуности ҳужжатлари), назорат органлари, саноат бирлашмалари ва тартибга солувчи ташкилотларнинг тартиб-қоидалари ва талаблари, одоб-ахлоқ қоидалари ва бошқаларга риоя қилмаслик, уларни бажармаслик билан боғлиқ хавф-хатарлар. Комплаенс-рисклар охир-оқибат юридик (суд) санкциялар ёки тартибга солувчи ташкилотлар томонидан турли санкцияларни қўллаш, шунингдек, мувофиқлик соҳасидаги стандартлар, қонунлар, тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик натижаси сифатида юзага

келадиган турли даражадаги молиявий йўқотишлар ёки обрў-эътибор (нуфуз)га путур етиши шаклида намоён бўлиши мумкин.

КОМПЛАЕНС ХИЗМАТИ ХОДИМИ (COMPLIANCE OFFICER) - қонун, меърий ҳужжатлар, ички тартиб қоидаларга риоя қилиш бўйича маъсул ходим ҳисобланиб, бошқа ходимларнинг ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ҳаракат қилиш масалалари устидан назорат қилади ва тартибга солиш учун жавобгар бўлган комплаенс хизмати ходими ҳисобланади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ - коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини ва бунга имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, тадқиқотлар ўтказиш, халқаро ҳамкорлик йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган амалий ҳужжат ҳисобланади.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАР - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли.

КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК - содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга хатти-ҳаракат.

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР ХУСУСИЯТИ - махсус субъект (мансабдор шахс) томонидан содир этилади, яширин (латент) характерга эга, қасддан содир этилади, ўзи ёки учинчи шахслар (қариндошлари, яқинлари, танишлари ва бошқалар) манфаатини кўзлайди, гуруҳ таркибида (қилишилган ҳолда) содир этилади, ғаразли мақсадда (моддий ёки номоддий наф кўриш) содир этилади, хизмат ваколатлари суистеъмол қилинади, бошқа ноқонуний ҳаракатлар билан боғлиқ бўлади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЪЛИМ - давлат таълим стандартлари доирасида, умумий таълим дастурлари асосида ишлаб чиқилган ва коррупцияга қарши дунёқарашни шакллантириш муаммоларини ҳал қилиш учун таълим муассасаларида амалга ошириладиган шахс, жамият ва давлат манфаатларига мос равишда таълим ва тарбия жараёни бўлиб, ўқувчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини оширишга қаратилган. Шу билан бирга, ягона мақсадли таълим ва тарбия жараёни бўлиб, олинган билимлар, кўникмалар мажмуидир. Икки таркибий элементдан иборат:

коррупцияга қарши тарбия ва таълим, ҳар бир қисми бошқасини тўлдириб туриши ва улар ажралмас ҳолда мавжуд бўлиши керак. Ушбу қисмларнинг ҳеч бири йўқолмаслиги керак. Ушбу иккала компонент ҳар хил миқёсда ва кўламда бўлиши мумкин бўлган умумий мақсад ва вазифаларни бирлаштиради. Аммо бу қисмларнинг ҳар бири ўз муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, улар ўз навбатида умумий мақсадга эришишга қаратилган. Коррупцияга қарши таълим ва тарбия мамлакат келажагига таъсир қилиб, оммавий онг, ҳуқуқий ва сиёсий маданият билан боғлиқ бўлган асосий сабабларни бартараф этиш орқали ушбу муаммони ҳал қилишга ёрдам беради. Коррупцияга қарши таълимнинг мақсади ёшларда коррупцияга нисбатан фуқаролик позициясини шакллантириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига салбий муносабатни шакллантириш учун зарур бўлган кадриятларини шакллантириш ва қобилиятларни ривожлантиришдир.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАРБИЯ - коррупцияга қарши тарбия расмий (формал) ва норасмий (нофармал) кўринишда бўлиши мумкин. Расмий тарбия - бу коррупцияга қарши таълим элементларини умумий таълим дастурларига киритиш, норасмий - қўшимча таълимдаги ҳар хил ташаббусларни рағбатлантириш: фуқаролик ҳаракатлари, талабалар конференциялари ва бошқа тадбирлар. Коррупцияга қарши таълим ёшлар сиёсатининг йўналиши бўлиб, жамиятимизда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАРҒИБОТ - оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши хулқ-атвори рағбатлантиришга қаратилган мақсадли фаолияти; коррупцияга қарши дунёқараш ва хулқ-атвори шакллантириш мақсадида коррупцияга қарши ғоялар ва қарашларни жамиятда тарқатиш. Коррупцияга қарши тарғибот коррупцияга қарши қаратилган қарашлар, ахборотлар, фактларни ва бошқа маълумотларни очиқ тарқатиш, тарғиботчиларнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАРҒИБОТ ШАКЛЛАРИ - оммавий ахборот воситаларида бир қатор мақола ва ҳисоботларни нашр этишни ташкил этиш, матбуот анжуманлари, брифинглар, давра суҳбатларини ўтказиш; ҳар йили коррупцияга қарши курашиш масалаларини ёритиш учун журналистлар танловини ўтказиш; коррупцияга қарши ижтимоий реклама лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича танловлар ўтказиш ва бошқалар.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ - коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Ташкилот ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар. Амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, ташкилот ходимлари томонидан юқори

даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАР - ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Ташкилот номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ - ташкилот томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ УМУМИЙ БИРЛАШГАН ХАРИТАСИ - ташкилотдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва ташкилот функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР - ходим томонидан бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийлаштириш соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТИЗИМ - коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, ташкилот ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва ҳуқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар.

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР - уни бир неча тоифага бўлиниши мумкин.

Кўп бўлмаган зарар - базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

Кўп миқдор - базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

Кўп миқдордаги зарар - базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР - Ўзбекистон

Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ - қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ВА БОШҚА ДАСТУРЛАР - Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (03.01.2017 йил ЎРҚ-419-сон)нинг 6-моддасига биноан, “Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин. Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ушбу Қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқиладиган ҳамда амалга оширилади”. Ўтган давр мобайнида Коррупцияга қарши курашиш бўйича 4 та давлат дастури қабул қилинган.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КОМПЛЕАЕНС НАЗОРАТИ ТИЗИМИ - ташкилот фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонунбузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КОМПЛЕАЕНС НАЗОРАТИ МОДЕЛЛАРИ - Коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат хизматини жорий этилишга кўра энг кенг тарқалган иккита модели қўлланилади:

1. Компания ва ташкилот фаолиятини фақат мавжуд ўрнатилган қонун ва қоидаларга мувофиқ ташкил этишга қаратилади ва бунда комплаенс хизматини жорий этилиши минимал қоидалар билан чекланади;

2. Комплаенс хизматининг ташкил этилиши давлат томонидан тартибга солинган ва коррупция хавфларни баҳолашда халқаро ташкилотларнинг (Базель банк қўмитасининг тавсиялари, Волфсберг гуруҳи (Wolfsberg Group) тавсияларига асосланади ва бу моделда комплаенс хизматининг мақоми, вазифаси, фаолият доираси кўпроқ халқаро стандарт ва тавсияларга асосланади.

“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТАЛАБЛАР ВА ТАВСИЯЛАР” ХАЛҚАРО

СТАНДАРТИ ISO 37001:2016 (ISO 37001:2021 сифатида қайта нашр қилинган) - бу ташкилотда коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усуллари ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукамал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир. Стандарт: коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш; коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун вазифаларни белгилаш; ходимларни ўқитиш; коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш; молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисоботлар юритиш ва бошқаларни жорий этишни талаб этади.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти ISO халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Organization for Standardization) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, коррупцияга қарши бошқарув тизимини (ABMS, Anti-bribery management systems) ташкил этиш, жорий этиш, бошқариш, қўллаб-қувватлаш ва доимий равишда такомиллаштиришга қаратилган талабларни белгилайди. Шунингдек, ташкилот ушбу стандарт талабларига риоя қилиш учун қандай ҳаракатлар ва ёндашувларни амалга ошириш тўғрисида кўрсатма беради.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти – ташкилотда коррупцияга қарши курашиш самарали тизимини яратишнинг халқаро усуллари ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукамал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир. Стандарт 44 та мамлакатдан жалб қилинган 80 нафар мутахассисдан махсус шакллантирилган ISO/PC 278 “Anti-bribery management systems” ишчи қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган.

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРИНИ БАҲОЛАШ - ташкилотнинг амалга ошираётган функциялари (ваколатлари)ни таҳлил қилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилишига шароит яратиши мумкин бўлган коррупция хавф-хатарларини аниқлаш ҳамда уларни минималлаштиришга қаратилган самарали ва натижадор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича фаолият.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ - тайёргарлик кўрилатган, содир этилатган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёхуд коррупцияга оид жиноятларни содир этганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ кидирув эълон қилинган шахсларни топишда ёрдам кўрсатиш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА БОШҚА ТАРЗДА КЎМАКЛАШИШ - коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашиш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ - аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга

чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳукукбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

КОНТРАГЕНТ - Ташкилотнинг харид жараёнлари доирасида шартномавий муносабатларга киришишни режалаштираётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

КОНТРАГЕНТ/КОНТРАГЕНТНИНГ БЕНЕФИЦИАР ЭГАСИ (ЯКУНИЙ БЕНЕФИЦИАР) - контрагентнинг хусусий эгаси бўлган ёки ушбу Контрагент учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда унинг ҳаракатларини бевосита ёки билвосита назорат қилиш ҳукуқи ёки имкониятига эга бўлган жисмоний шахс.

КОНТРАГЕНТНИ ТЕКШИРИШ - контрагентлар, ташкилотлар ва коррупцияга алоқадор бошқа шахслар билан ишбилармонлик муносабатлари ҳавфини минималлаштириш бўйича оқилона ҳаракатлар. Шу мақсадда уларнинг ўзларининг коррупцияга қарши чоралари ёки сиёсати бор-йўқлиги, ушбу сиёсат талабларини бажаришга тайёрлиги ва шартномаларга коррупцияга қарши курашиш шартлари (бандлари) киритилиши, шунингдек, ахлоқий иш юритиш ва коррупциянинг олдини олиш учун ўзаро ёрдам кўрсатилиши текширилади.

МАИШИЙ КОРРУПЦИЯ - давлат органларида асосий хизматлардан фойдаланишга уринган бевосита фуқаролар билан алоқа қилишда ҳокимиятнинг куйи ва ўрта бўғинлари мансабдор шахсларининг кундалик ишончли ваколатларини суиистеъмол қилишлари.

МАНСАБДОР ШАХС - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8 бўлимига мувофиқ, доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

МАЪМУРИЙ КОРРУПЦИЯ - олий ҳокимият органлари томонидан берилган ваколатлар доирасида белгиланган муайян фаолият учун талаб этиладиган маъмурий жараённи бажариш учун ўз шахсий ёки бошқа турдаги манфаат учун жамоатчилик билан бўлган алоқалардаги шаффофликни бузишга қаратилган коррупцион ҳаракатлардир. Халқаро тажрибага кўра, маъмурий коррупция коррупциянинг энг кичик шакли сифатида кўринади ва бунини аниқлаш жуда мушкулдир. Аммо, унинг тахминий содир этиладиган шакллари мавжуд. Мисол учун, қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс (бюрократ) ва хизматга муҳтож бўлган фуқаролар ўртасидаги

коррупция. Масалан, ID картасини олишга келган фуқарога расмий йиғимдан ташқари бюрократ ҳисобига тўланадиган норасмий тўлов, хизмат шакллари.

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛ - маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар. 2018 йил 8 январда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ - Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (03.01.2017 йил, ЎРҚ-419-сон)га мувофиқ, шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Манфаатлар тўқнашуви — бу ишониб топширилган мажбурият ва мажбурият эгасининг шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддият. Мисол учун, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича ишчи гуруҳ аъзоси бўлган шахс йирик фармацевтика компаниясининг акцияларига эга бўлиши мумкин. Ушбу шахсий манфаатнинг мавжудлиги ишониб топширилган мажбуриятларнинг бажарилишига салбий таъсир қилиши мумкин. Манфаатлар тўқнашуви коррупциянинг юзага келиши учун имкониятлар яратганлиги сабабли, уни олдини олиш ёки бошқариш керак. Аксарият хорижий манбаларга кўра, манфаатлар тўқнашувининг қуйидаги турлари мавжуд:

РЕАЛ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ - ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ёки ташкилот билан боғлиқ бўлган шахсининг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) ташкилот манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият.

ПОТЕНЦИАЛ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ - ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ёки ташкилот билан боғлиқ бўлган шахсининг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Ташкилотнинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва ташкилот ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият. Даъво қилинган, ўзича тушуниб олинган (Perceived) манфаатлар тўқнашуви - бундай вазиятларда ҳеч қандай реал ёки потенциал хатар бўлмаслиги мумкин, аммо кимдир ушбу ҳолат ўз оқибатларига эга бўлиши мумкинлиги тўғрисида (албатта, асосли фактлар эвазига) ўйлаши мумкин. Мисол учун, туман ҳудудининг икки қишлоғида табиий офат юз берди. Офат етган хўжаликларга давлат бюджетидан зарарни қоплаб бериш топшириғи туман ҳокими зиммасига юклатилди. Туман ҳокимининг икки нафар синглиси ҳам айни шу ҳудудларда истиқомат қилади ва буни бир қанча маҳалла фаоллари билади. Эътиборли жиҳати шуки, ҳоким маблағларни тўғри сарфлаган бўлиши

мумкин, аммо фаоллар бунга ишонмаслиги, яъни улар ўзларича хавф борлиги тўғрисида фикрлашлари мумкин.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК - юридик жавобгарликнинг бир тури. Айбдор фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилиши тарзида намоён бўлади. Мазкур жазо чоралари давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари томонидан ўзларига бевосита бўйсунмайдиган ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланилади. Маъмурий жавобгарлик чораларини қўлланилиши фуқаронинг судланишига, унинг асосий иш жойидан бўшатилишига сабаб бўлмайди. Маъмурий жавобгарлик чоралари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш деб аталадиган алоҳида тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади. 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бу соҳадаги асосий ҳужжат бўлиб, кейинчалик унга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

МАХФИЙ АХБОРОТ - бу олиниши, ишланиши, узатилиши ёки фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ахборот эгасининг ички ҳужжатларига мувофиқ чекланадиган ҳар қандай шаклдаги ахборот.

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ АСОСИЙ КЎРИНИШЛАРИ - непотизм, яъни қариндош-уруғчилик (шу жумладан куда-андачилик), гуруҳбозлик, кронизм, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, фаворитизм (раҳнамочилик), лоббизм (идоравий манфаатдорлик) ва бошқалар.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ - қонунийлик, мажбурийлик, асосланганлик, малакалилик, ҳолислик, ваколатлилик, ҳамкорлик принциплари.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ - “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга (20.04.2021 й. ЎРҚ-682-сон) мувофиқ, қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АКТЛАР - давлат ваколатли органларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, умуммажбурий характердаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлик актлари.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АКТЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ - норматив-ҳуқуқий актларни тартибга солиш йўли билан муайян тизимга келтиришдир. Норматив-ҳуқуқий актларни тизимлаштиришнинг турлари: инкорпорация, кодификация ва консолидация.

НОРМАЛАРНИНГ ШАФФОФЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИ - лойиҳанинг матнини лўнда, оддий ва раvon тилда баён этиш. Лойиҳада фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Оғзаки нутқ шакллари, хорижий тилларнинг атамалари, давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар

бўлган тақдирда, эскирган ҳамда кўп маъно англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, кинояларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди.

НОРМАТИВ ҚАДРИЯТЛАР ЭТИКАСИ - аниқ ахлоқ нормаларини, ахлоқий мажбурий талабларни, ахлоқий мерос сифатида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ахлоқий қадриятлар тизимини ўрганади.

ОДОБ (араб. — адаб сўзининг кўплиги) - жамиятда эътироф этилган хулқ-атвор нормаси. Шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар билан муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. Одоб негизида ахлоқнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, шунингдек, мақсадга мувофиқлик ва гўзаллик (эстетика) талаблари ётади.

ОДОБЛИЛИК - яхши тарбия кўрганликнинг намоён бўлиши, хатти ҳаракатларда, сўзлашувда меъёрни, чегарани, мувофиқлилик ва номувофиқликни билишдир.

ОДОБЛИЛИКНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ - ўзини тута билиш, ҳукм чиқаришда шошилмаслик, шахсларнинг орқасидан ғийбат қилмаслик, ўзгалар фикрини тинглай билиш, ширинсўзлик.

ПОРАХЎРЛИК - пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилиш.

ПОРА ОЛИШ - ЖКнинг 210-моддаси. Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши.

ПОРА БЕРИШ - ЖКнинг 211-моддаси. Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш.

ПОРА ОЛИШ ЖИНОЯТНИНГ ПРЕДМЕТИ - ҳар қандай моддий қимматликлар ёки моддий хусусиятга эга бўлган моддий олам неъматлари бўлиши мумкин. Пора олиш аксарият ҳолларда моддий наф қўринишида ниқобланган қўринишга эга бўлади (ишга қалбаки расмийлаштириш, кўрсатган маслаҳатлари, илмий ёки адабий асарлари учун вада қилинган гонарарлар қўринишида, қайтармаслик шарти билан қарзга пул бериш, танловларда атайлаб юткизиб беришни келишиш ва бошқалар). Шу билан бирга, пора предметига моддий бўлмаган тусдаги неъматларни киритиш, унинг юридик чегараларини мавҳум қилиб қўяди, пора тушунчасининг протекционизм, яни кенгроқ тушунча ичида чекланган маънода йўқ бўлишига

олиб келади, шунингдек, бу жинойтнинг исботланишини қийинлаштиради. Бошқа томондан, халқаро тажрибада номоддий пора элементларини жинойт қонунчилигига киритиш, шунингдек, совғанинг аниқ миқдорини белгилаш, пора билан совғанинг фарқли жиҳатларини акс эттириш ва қўнгил очар жойларга ташриф буюриш ҳолатларининг аниқ мезонларини қонунчиликда акс этганлиги коррупцияга қарши курашишда ижобий натижа бериб келмоқда.

ПОРА ОЛИШ-БЕРИШДА ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛИШ - пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита беришдир. “Воситачилик” сўзи томонлар ўртасида келишувга эришиш, алоқа ўрнатишга қўмаклашиш маъносида ишлатилади. Ўз-ўзидан воситачи бу томонлар ўртасидаги воситачилик фаолиятини амалга оширадиган шахсдир. Пора олувчи ва берувчидан фарқли равишда, воситачи моддий қимматликлар ва бошқалар эвазига ўз манфаатлари йўлида мансабдор шахс билан бир ҳаракатни бажариши ёки бажармаслигига ҳаракат қилмайди, балки фақат пора олувчи кўрсатмаси билан пора предметини бевосита беради. Жинойт содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қонунчиликда қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин: а) жарима; б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; б¹) мажбурий жамоат ишлари; в) ахлоқ тузатиш ишлари; г) хизмат бўйича чеклаш; д¹) озодликни чеклаш; е) интизомий қисмга жўнатиш; ж) озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

ПРЕВЕНТИВ ЧОРАЛАР - коррупцияни олдини олиш чоралари бўлиб, аксарият ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидир. Ушбу чоралар қуйидагилардан иборат: замонавий давлат бошқарувни жорий этиш – Канада, Франция; қонун устуворлигини таъминлаш – ИХТТ давлатлари; шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш – Япония, Жанубий Корея, Австралия; коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш – Малайзия, Гонконг; меритократия тизими, адолатли иш шароити, иқтисодий-ижтимоий ҳимояни жорий этиш – Сингапур, Швеция, АҚШ; коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш – Голландия, Исроил; коррупцияга қарши курашишга диний қадриятларни жалб этиш – Саудия Арабистони, Қатар, Малайзия; давлат хизматларини автоматлашириш, рақамлаштириш – Корея, Канада, Грузия. Юқорида келтирилган давлатларда бошқа чоралар ҳам қўлланиши мумкин, аммо давлат сиёсатининг асосий йўналиши этиб юқорида таъкидланган чораларнинг бирига қўпроқ эътибор қаратилади. Албатта, ушбу чоралар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, аҳоли маданияти, давлат ва хусусий сектордаги иш жойларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб танланади ва амалга оширилади.

ТААЛУҚЛИ (РЕЛЕВАНТ) ХАБАР - ташкилотдаги коррупциявий ҳолатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар.

ФУНКЦИЯ - бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган ташкилотнинг ички жараён (фаолият йўналиш)ларидан бири.

ХОДИМ - ташкилот билан меҳнат муносабатларига киришган шахс.

ХОДИМНИНГ ШАХСИЙ МАНФААТДОРЛИГИ - ташкилот ходими, унинг яқин қариндоши ёки ходим билан боғланган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари) пул маблағлари, моддий ва номоддий қадриятлар, бошқа мулк, фойда, имтиёз ва афзалликлар кўринишидаги шахсий фойда олиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ - коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли фармони асосида ташкил этилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ КЕНГАШИ - коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Миллий кенгаш тўғрисидаги низом Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 2021 йил 19 августдаги 4-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН - ТОРОЖ ҚИЛИШ – ЖКнинг 167-моддаси Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш.

ЎЗИГА ХОС ХАВФ-ХАТАРЛАР – ташкилот фаолияти ва амалга оширилаётган функциялари хусусиятидан келиб чиқадиган хавф-хатарлар, шу билан бирга уларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомиллари, хавф-хатарларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар).

ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИНИ ДОИМИЙ РАВИШДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - ташкилотнинг ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек ташкилот ходимлари томонидан билимлар

ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга қаратилган ҳаракати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ - коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (ЎРҚ-419) Қонуни қабул қилинган. Қонун 6 та боб, 34 та моддадан иборат. Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари сифатида: қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари белгиланган.

ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК - ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатларни биринчи ўринга қўядиган уюшмалар (кўпинча норасмий уюшмалар). Қариндош-уруғчилик умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар келтирган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун аъзоларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори лавозимларга кўтаришга ҳаракат қилар экан, бундай ҳолат оқибати ҳалокатли ҳисобланади. Бунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ривожланади.

ҲАЛОЛЛИК - ҳар бир инсоннинг ўз кучи билан меҳнат қилиши, шунинг эвазига топган мол-мулки, обрўси, жамиятда тутган ўрни, хулқининг туғрилиги, сўзида қатъийлик ва садоқатининг мажмуасидир. Ҳалолликни унинг дастлабки тор мазмунида қайси таом ҳарому, қайсиниси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсоний-дунёвий маъно касб этган меъёрга айланган.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР, МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК (НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ) ВА ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР, КОНВЕНЦИЯЛАР, КОДЕКСЛАР, ДЕКЛАРАЦИЯЛАР, СТАНДАРТЛАР, ТАВСИЯЛАР, РЕЖА ВА ДАСТУРЛАР, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАСИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР

1. БМТнинг Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси. 17.12.1979 йил.
2. ИХТТнинг Хорижий давлат мансабдор шахсларига пора беришга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси. 14.08.1997 йил.
3. Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси. 27.01.1999 йил.
4. Европа Кенгашининг Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси. 09.09.1999 йил.
5. Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро Конвенция. 09.12.1999 йил.
6. БМТнинг Оффшорлар бўйича коммюникеси. 31.03.2000 йил.
7. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси. 15.11.2000 йил. (2005 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенциясига қўшилди).
8. ХХІ аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат режаси. 15.04.2002 йил.
9. ИХТТ доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси. 10.09.2003 йил. (2010 йил мартда Ўзбекистон Республикаси ИХТТ доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режасига қўшилган).
10. Европа Кенгашининг Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь).
11. Коррупцияга қарши курашнинг йигирма принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган. 1997 йил 6 ноябрь).
12. Давлат хизматчилари учун Модель хулқ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган. 2000 йил 11 май).
13. Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган. 2003 йил 8 апрель).
14. Молиявий тизимдан пул ювиш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги ЕИИ Директиваси. 1991 йил 10 июнь.

15. Пулни тозалашга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни тозалашга қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси. 2002 йил 8 февраль).

16. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган).

17. БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган). (2008 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясига қўшилган).

